2020 йил 25 январдан чиқа бошлаган

Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 90 (1689), 2026 йил 6 май, чоршанба

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz.uz_news

## КОРХОНАЛАРНИ МОЛИЯВИЙ СОҒЛОМЛАШТИРИШ, ТАДБИРКОРЛАР УЧУН ҚУЛАЙ ШАРОИТЛАР ЯРАТИШГА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛДИ

**Президент Шавкат Мирзиёев 5 май куни ишлаб чиқариш корхоналари фаолиятини барқарорлаштириш ҳамда тадбиркорларни ўйлантираётган муаммоли масалаларни ҳал этиш юзасидан тақдимот билан танишди.**

Мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантириш, инвестиция лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш ва янги ишлаб чиқариш қувватларини яратиш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Шу билан бирга, саноатда мавжуд имкониятлардан тўлиқ фойдаланиш, аввал ишга туширилган корхоналарнинг барқарор фаолият юритишини таъминлаш, уларнинг маҳсулот ишлаб чиқариш ва экспорт салоҳиятини ошириш эса муҳим вазифа бўлиб қолмоқда.

Тақдимотда турли сабабларга кўра тўлиқ қувватда ишламаётган ва тушуми камайган корхоналар фаолиятини ўрганиш натижалари кўриб чиқилди. Бундай ҳолатлар асосан тўқимачилик, қурилиш материаллари, озиқ-овқат, нефть-кимё, электротехника ва бошқа тармоқларда кузатилмоқда.

Ушбу тоифадаги корхоналар фаолиятига салбий таъсир кўрсатаётган омиллар орасида айланма маблағ етишмовчилиги, коммунал инфратузилма билан боғлиқ масалалар, лойиҳаларнинг кечикиши, ускуналарнинг эскиргани, хомашё занжиридаги узилишлар, маҳсулотга талабнинг пасайиши каби муаммолар кўрсатиб ўтилди.

Бу муаммоларни ҳал қилиш орқали корхоналарда ишлаб чиқаришни тиклаш ва мавжуд қувватларни тўлиқ ишга солиб, қўшимча 65,6 триллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш ва экспорт қилиш имконияти борлиги аниқланди.

Шу боис, ҳар бир корхона ҳолатини алоҳида ўрганиб, уларни тўлиқ қувватга олиб чиқиш бўйича янги тизим жорий этилиши белгиланди. Бунинг учун мутасадди идоралар ва банклар иштирокида Республика штаби ташкил этилади. Штаб вакиллари жойларга чиқиб, икки ҳафта муддатда корхоналар фаолиятига тўсқинлик қилаётган масалаларни аниқлайди ва уларни жойида ҳал этиш чораларини кўради.

Фаолиятини тиклаш имконияти мавжуд корхоналарга зарур кредит маблағларини ажратиш, айланма маблағ билан таъминлаш, инфратузилма ҳамда хомашё масалаларини ҳал этиш бўйича банклар ва масъул идоралар биргаликда ишлайди.

Тақдимотда тижорат банклари балансидаги йирик мол-мулклар масаласига ҳам эътибор қаратилди.

Бугунги кунда банклар балансида қиймати 10 миллиард сўмдан юқори бўлган 70 та мол-мулк мавжуд. Мазкур активларни иқтисодиётга қайта жалб қилиш, уларга инвестор топиш ва ишлаб чиқариш майдонларига айлантириш бўйича алоҳида механизмларни жорий этиш белгиланди.

Тақдимотда инвестиция дастурлари доирасида ишга туширилган лойиҳалар фаолиятини ҳисобга олиш ва уларнинг натижадорлигини баҳолаш масаласига тўхталиб ўтилди. 2021-2025 йилларда амалга оширилган қарийб 17 мингта лойиҳа натижасида ишга тушган корхоналарнинг айримлари ўз фаолиятини солиқ ва статистика ҳисоботларида тўлиқ акс эттирмаётгани кўрсатиб ўтилди. Мутасаддиларга ҳар бир лойиҳани ўрганиб, уларни солиққа тортиш ва статистика ҳисоботларида тўғри акс эттиришни таъминлаш топширилди.

Ишбилармонлик муҳитига салбий таъсир кўрсатаётган ҳамда аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг эътирозларига сабаб бўлаётган айрим масалалар ҳамда уларнинг ечими бўйича таклифлар кўриб чиқилди.

Хусусан, тадбиркорлик субъектларининг пешлавҳалари ва бренд белгиларини жойлаштириш, умумий овқатланиш ва савдо объектлари учун айрим маъмурий талаблар, меҳнат муносабатларидаги тартиб-таомиллар, нақд пулсиз тўловлар, солиқ имтиёзларини қўллаш, молиявий жарималар, ташқи иқтисодий фаолиятдаги ҳужжатбозлик каби масалалар муҳокама қилинди.

Масалан, амалдаги тартибга кўра, айрим ҳолларда корхона номи, фаолият тури ёки савдо белгиси акс этган пешлавҳалар ҳам реклама сифатида баҳоланиб, улар учун алоҳида паспорт расмийлаштириш ва тўловларни амалга ошириш талаб этилмоқда. Бу тадбиркорлар учун қўшимча маъмурий юк бўлиши билан бирга савдо ва хизмат кўрсатиш объектларининг танилиши, мижозлар оқими ва тушумига ҳам таъсир кўрсатмоқда.

Шу муносабат билан тадбиркорлик субъектининг номи ҳамда фаолият тури тўғрисида бинога жойлаштирилган ахборотни реклама сифатида баҳоламаслик ва бунинг учун тегишли паспортларни расмийлаштиришни бекор қилиш таклиф этилди. Рекламалар ва бошқа ахборот белгиларини жойлаштиришга доир дизайн талабларини тадбиркорлар таклифларини инобатга олган ҳолда босқичма-босқич жорий этиш, юридик шахсларга тегишли транспорт воситаларига ўз савдо белгисини жойлаштириш тартибини соддалаштириш ташаббуси илгари сурилди.

Умумий овқатланиш корхоналарига қўшилган қиймат солиғининг бир қисмини қайтариш тартибини соддалаштириш, айрим савдо, умумий овқатланиш ва хизмат кўрсатиш объектлари учун экологик экспертиза ҳамда компенсация тўловлари билан боғлиқ тартибларни енгиллаштириш таклиф этилди. Шунингдек, меҳнат муносабатларида иш берувчи ва ходим ўртасидаги айрим тартиб-таомилларни аниқлаштириш таклиф қилинди.

Рақамлаштириш ва нақд пулсиз тўловлар йўналишида аҳоли ва бизнес учун қулайликни оширишга қаратилган таклифлар билдирилди. Хусусан, айрим товар ҳамда хизматлар учун тўловларни нақд пулсиз шаклда амалга ошириш амалиёти кенгайиб бораётгани боис, банк инфратузилмаси, комиссиялар ва истеъмолчиларга қайтариладиган кешбэк тизимини такомиллаштириш зарурлиги қайд этилди.

Жисмоний шахсларнинг ўз банк карталари ўртасидаги пул ўтказмаларини комиссиясиз амалга ошириш, нақдсиз тўловларни аҳоли учун қулай бўлган шаклларини кўпайтириш, умумий овқатланиш, алкоголь, тамаки ва ёқилғи сотиш соҳаларида харид чеки бўйича ҳисобланган кешбэкни тезкор қайтариш имкониятини яратиш таклиф этилди. Шу билан бирга, банк карталари орқали амалга ошириладиган операцияларда хавфсизликни таъминлаш мақсадида жорий этилган антифрод SMS-хабарномалар бўйича харажатларни қайта кўриб чиқиш, мобил иловалардаги хабарномалар ёки биометрик идентификация каби муқобил ечимлардан фойдаланиш таклиф қилинди.

Солиқ маъмурчилиги ва молиявий жарималар йўналишида солиқ имтиёзларини қўллашда юзага келаётган низоли ҳолатларни бартараф этиш, солиқ қарздорлиги бўйича ҳисобланаётган пеня асосий қарз суммасидан ошиб кетмаслиги бўйича нормани жорий этиш, чек бермаслик ҳолати юзасидан хабар юбориш тизимини суиистеъмол қилиш ҳолатларининг олдини олиш, ҚҚС гувоҳномасини тўхтатиш тартибини такомиллаштириш илгари сурилди.

Ташқи иқтисодий фаолиятни соддалаштириш мақсадида импорт жараёнида бир-бирини такрорловчи ҳужжатларни қисқартириш, тадбиркорларга хорижда савдо уйлари, филиал ва ваколатхоналар очиш учун қулайроқ тартиб яратиш, “Ўзэкспомарказ” имкониятларидан самарали фойдаланган ҳолда миллий маҳсулотларни халқаро бозорларда кенг тарғиб қилиш бўйича таклифлар билдирилди.

Давлатимиз раҳбари тадбиркорлик учун ортиқча тўсиқларни камайтириш, назорат ва тартибга солиш механизмларини соддалаштириш, рақамлаштириш жараёнларини бизнесга қўшимча юк эмас, қулайлик яратадиган воситага айлантириш зарурлигини таъкидлади.

Мутасаддиларга мавжуд саноат қувватларини тўлиқ ишга солиш, корхоналарни молиявий соғломлаштириш, ишлаб чиқариш ва экспорт ҳажмини ошириш, янги иш ўринлари яратиш ҳамда тадбиркорлар учун қулай шароитларни кенгайтириш юзасидан аниқ топшириқлар берилди.

**ЎзА**

## ЧАРМ-ПОЙАБЗАЛ САНОАТИ БЎЙИЧА ЭКСПОРТ ГЕОГРАФИЯСИНИ КЕНГАЙТИРИШ ТАКЛИФЛАРИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

**Президент Шавкат Мирзиёев чарм-пойабзал саноатида амалга оширилаётган ишлар ва келгусидаги режалар юзасидан тақдимот билан танишди.**

Сўнгги йилларда соҳа корхоналарини қўллаб-қувватлаш, ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва экспортни кўпайтириш бўйича қатор чоралар кўрилди. Жорий йил биринчи чорагида чарм саноатида ишлаб чиқариш ҳажми 962 миллиард сўмни ташкил этиб, ўсиш 25 фоиздан ошди. 2030 йилга қадар чарм-пойабзал саноатида ишлаб чиқариш ҳажмини 12 триллион сўмга, экспортни 500 миллион долларга етказиш, 12 мингта янги иш ўрни яратиш мақсад қилинган.

Шу билан бирга, соҳада ишга солинмаган имкониятлар кўплиги кўрсатиб ўтилди. Республикада катта ҳажмда тери ва жун хомашёси ҳосил бўлаётган бўлса-да, уларни чуқур қайта ишлаш даражаси пастлигича қолмоқда. Хусусан, қўй ва эчки терисини қайта ишлаш даражаси 30 фоиз атрофида. Йилига тайёрланадиган 40 минг тонна жун хомашёсининг эса атиги 6 минг тоннаси, яъни 15 фоизи қайта ишланмоқда.

Тақдимотда корхоналар қувватидан самарали фойдаланиш, хомашёни чуқур қайта ишлаш, тайёр маҳсулот улушини ошириш ва экспорт географиясини кенгайтириш бўйича таклифлар кўриб чиқилди.

Жумладан, Тошкент вилоятининг Оҳангарон тумани ва Андижон вилоятининг Шаҳрихон туманида чарм-пойабзал саноатига ихтисослашган саноат зоналарини ташкил этиш режалаштирилган. Бу зоналарда ишлаб чиқариш бинолари, муҳандислик-коммуникация тармоқлари, логистика, дизайн ва малака ошириш марказлари барпо этилади. Саноат зоналари бошқаруви Енгил саноатни ривожлантириш агентлиги ҳузурида ташкил этиладиган махсус дирекцияга юклатилади.

Оҳангаронда терини қайта ишлаш корхоналари учун экологик талабларга жавоб берадиган замонавий саноат зонаси ташкил этилади. Республикадаги 32 та терини қайта ишлаш корхонасида сув тозалаш иншоотларининг 70 фоизи эскирган, ягона марказлашган тизим мавжуд эмас. Шу боис, янги зонада марказлашган сув тозалаш иншооти қурилиб, кунига 8 минг куб метргача тозаланган сувни технологик жараёнларда қайта ишлатиш имконияти яратилади.

Хомашё базасини кенгайтириш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Қўшни давлатлардан мол терисини марказлашган ҳолда импорт қилиш, бу жараёнда тадбиркорларга “ягона дарча” тамойили асосида кўмаклашиш, транспорт харажатларини компенсация қилиш ва қайта ишловчи корхоналарни айланма маблағ билан таъминлаш таклиф этилди.

Майда шохли мол териларини йиғиш ва бирламчи қайта ишлаш тизимини такомиллаштириш ҳам муҳим вазифа сифатида белгиланди. Навоий, Қашқадарё, Сурхондарё ва Тошкент вилоятларида терини йиғиш ва бирламчи ишлов бериш пунктларини ташкил этиш, қайта ишлаш корхоналарини рағбатлантириш чоралари кўриб чиқилди.

Жун хомашёсини қайта ишлашни кенгайтириш бўйича Сирдарё вилоятида янги комплекс ташкил этиш таклиф қилинди. Унинг қуввати 30 минг тонна жунни қайта ишлашга мўлжалланади. Лойиҳа ишга тушса, хомашёдан тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш занжири шаклланиб, қўшилган қиймат бир неча баробарга ошади, экспорт ва иш ўринлари кўпаяди.

Пойабзал, шу жумладан, махсус пойабзал ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, бу борада хорижий ҳамкорлар билан кооперация ва қўшма лойиҳаларни кўпайтириш режалари кўриб чиқилди.

Тақдимотда сунъий чарм ишлаб чиқаришни кенгайтириш масаласига ҳам тўхталиб ўтилди. Жаҳон бозорида йирик брендлар экологик талаблар, нарх ва технологик қулайликлар нуқтаи назаридан сунъий чармдан фойдаланишни кенгайтирмоқда.

Мамлакатимизда мазкур йўналишда 7 та истиқболли лойиҳани амалга ошириш режалаштирилган. Улар натижасида 50 миллион погон метр маҳсулот ишлаб чиқариш қуввати яратилиб, ички талабнинг катта қисми қопланади, экспорт ошади.

Давлатимиз раҳбари соҳага берилган имтиёзлар ўз-ўзидан натижа бермаслигини, ҳар бир корхона, лойиҳа ва бозор бўйича аниқ ҳисоб-китоб ва амалий ҳаракат зарурлигини таъкидлади.

Мутасаддилар ва ҳудудлар раҳбарларига корхоналарни молиявий соғломлаштириш, қувватлардан тўлиқ фойдаланиш, импорт ўрнини босувчи рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш, халқаро сертификатлар олишда тадбиркорларга кўмаклашиш бўйича топшириқлар берилди.

**ЎзА**




## НУФУЗЛИ АНЖУМАН

### ЮРТИМИЗНИНГ ЯНГИ ИҚТИСОДИЙ ВА СИЁСИЙ ИДЕНТИФИКАЦИЯСИНИ НАМОЁН ЭТДИ

**Қадимий ва навқирон шаҳар кўп асрлик илмий ва маданий нуфузига монанд тарзда яна бир бор глобал молиявий ҳамжамият ва минтақавий тараққиёт учун муҳим мулоқот майдонига айланди. Осиё тараққиёт банки Бошқарувчилар кенгашининг 59-йиллик йиғилиши айнан шу ерда ўтказилиши тасодиф эмас. Бу янги Ўзбекистоннинг сўнгги йилларда эришган ислоҳотларига, иқтисодий очиқлигига, халқаро ишончини мустаҳкамлаган сиёсий-иқтисодий мавқеига нисбатан амалий эътирофдир.**

*Давоми 2-бетда*



## МАРКАЗИЙ ОСИЁ “ЯШИЛ БЕЛБОҒИ” экологик барқарорлик асоси

**Ўзбекистон раҳбарининг қарийб икки йил муқаддам Самарқанд Иқлим форумида айтган фикрлари ўз мазмунини асло йўқотмаса керак. “Биз табиатни аждодлардан мерос қилиб эмас, авлодлардан қарзга олганмиз”. Бу фикрда жиддий маъно яширин. Мерос тушунчасида танлов борки, олсанг ҳам бўлади, олмасанг ҳам. Қарзни эса олдингми, демак қайтарасан. Мерос кечирилиши мумкин, қарз эса йўқ.**

Орадан икки йил ўтиб яна Самарқандда, бу сафар бошқа бир халқаро тадбир — Осиё тараққиёт банки Бошқарувчилар кенгаши 59-йиғилишининг очилиш маросимида Президентимиз экология масаласига алоҳида тўхталиб, “Марказий Осиё яшил белбоғи” минтақавий лойиҳасини амалга ошириш таклифини илгари сурди. Бу — Ўзбекистон экологик барқарорлик масаласини шунчаки зарурат эмас, балки авлодлар олдидаги қарзни қайтариш масъулияти, келажак тараққиётининг асоси, бир сўз билан айтганда, ҳаёт-мамот масалаларидан бири сифатида кўраётганини англатади.

*Давоми 3-бетда*




## ТОШКЕНТДАН ХИВАГА “ЖАЛОЛИДДИН МАНГУБЕРДИ” ТЕЗЮРАР ПОЕЗДИ ҚАТНАЙ БОШЛАДИ

Айниқса, соҳада йўловчи ташиш хўжалигини янада ривожлантириш, аҳолига ҳар томонлама қулайликлар яратиш мақсадида тизимга замонавий технологияларни жорий этишга катта эътибор қаратилмоқда. Айни мақсадда ривожланган давлатлардан замонавий электровоз ва тепловозлар харид қилиниб, йўловчи вагон парки йилдан йилга янгиланиб бормоқда.

2023-2026 йилларда темир йўл транспорти соҳасини ислоҳ қилиш, йўловчиларга қулай ва замонавий транспорт тизимини яратиш мақсадида Жанубий Кореянинг “Hyundai Rotem” компаниясидан юқори тезликда ҳаракатланадиган 6 та поезд сотиб олиш режалаштирилди.

Жорий йил 5 майдан ана шу поездларнинг биринчиси — юқори тезликда ҳаракатланадиган замонавий “Жалолиддин Мангуберди” йўловчи поезди Тошкент марказий темир йўл вокзалидан Хива шаҳрига қатнай бошлади.

“Жалолиддин Мангуберди” поездларининг Тошкент ва Хива шаҳарлари орасида мунтазам қатнаши нафақат юртимиз аҳолиси, балки хорижлик сайёҳлар учун ҳам пойтахтни бу қадимий шаҳар билан боғлашда катта қулайликларни яратиши шубҳасиз. Зеро, поезд Тошкентдан ҳаракатланиб Самарқанд, Бухоро ҳамда Урганч темир йўл вокзалларида тўхтаб, Хива вокзалигача боради.

Бугун тезюрар поездлар Тошкентдан Хивагача бўлган масофани 14 соатда босиб ўтаётган бўлса, “Hyundai Rotem” поездлари ҳаракатга қўйилиши билан мазкур масофа вақти деярли икки баробар қисқаради. Ушбу поездлар Тошкентдан Хивагача бўлган 1022 километрли масофани 7,5 соатда босиб ўтади. 250 километр тезликда ҳаракатланадиган замонавий поездлар таркибининг узунлиги 175 метр, 7 та вагондан иборат, ўриндиқлар сони 389 та.

“Hyundai Rotem” компаниясининг юқори тезликда ҳаракатланувчи электропоездлари Ўзбекистон иқлим шароитига тўлиқ мослаштирилган. Яъни 50 даража иссиқдан 40 даражали совуқ ҳароратда ҳам ишончли ҳаракатланиш имконига эга.

Поезд Қизилқум чўлининг қумли ҳудудларидан ўтаётганда ҳам вагонлар ичига чанг мутлақо кирмайди. Чунки поезд қум бўронига чидамли тизимлар билан жиҳозланган ҳамда узоқ масофаларга саёҳат қилиш учун мўлжалланган.

Янги поезд вагонларида ўриндиқлар йўловчи хоҳишига қараб ҳар икки йўналиш бўйича бурилади. Шунингдек, вагонларда кузатув камералари ҳам ишлаб туради. Махсус экранларда эса ҳаракат харитаси ва тезлик кўрсаткичлари акс этиб боради.

Ушбу поездлар қатновини таъминлаш учун Ўзбекистон темирйўлчилари 450 километрли “Бухоро — Урганч — Хива” участкасини тўлиқ электрлаштирди. Шунингдек, “Навоий — Бухоро” участкасида 92,12 километрли янги электрлаштирилган иккинчи темир йўл қурилиши лойиҳаси якунига етказилди. Мослаштирилган ушбу йўналишда юқори тезликда ҳаракатланадиган поездлар 250 километр тезликкача ҳаракатланиш имконига эга.

**Дилшод УЛУҒМУРОДОВ,**
**“Янги Ўзбекистон” мухбири**

**Самарқанд анжумани Ўзбекистоннинг янги иқтисодий ва сиёсий идентификациясини намоён этган воқеа бўлди. Мамлакат ўзини фақат ислоҳот ўтказаётган давлат сифатида эмас, балки минтақавий ва глобал тараққиёт кун тартибини шакллантирувчи субъект сифатида намоён этмоқда.**

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН
www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz.uz_news

# НУФУЗЛИ АНЖУМАН ЮРТИМИЗНИНГ ЯНГИ ИҚТИСОДИЙ ВА СИЁСИЙ ИДЕНТИФИКАЦИЯСИНИ НАМОЁН ЭТДИ

Муносабат



**Акром ТОШПЎЛАТОВ,
Парламент тадқиқотлари институти директори**

Бошланиши 1-бетда

Йиғилишда 100 дан ортиқ давлат делегациялари, йирик халқаро молия институтлари раҳбарлари, етакчи компаниялар ва банклар вакиллари, 4 мингдан зиёд делегат иштирок этгани бу форумнинг нуфузи, кўлами ва аҳамиятини яққол кўрсатиб турибди. Мамлакатимиз мазкур йиғинга иккинчи бор мезбонлик қилаётгани эса унинг минтақавий ва глобал майдондаги ўрни нақадар ортиб бораётганини яна бир бор тасдиқлайди.

Бунинг таг замирида янги иқтисодий тафаккур, янгиланган давлат бошқаруви ва барқарор тараққиёт модели кўринади. Давлатимиз раҳбарининг форум очилишида айтган фикрлари ҳам айнан шу мазмунга қурилган. Дарҳақиқат, 2016 йилдан буён иқтисодиётни эркинлаштириш, инвесторлар учун жозибадор муҳит яратиш, глобал қўшилган қиймат занжирида фаол иштирок этиш, ҳудудларда инфратузилмани тубдан янгилаш ва аҳоли турмуш шароитини яхшилаш йўлида қатъий ва ортга қайтмас ислоҳотлар кечмоқда. Бу йўл қисқа эмас, осон ҳам эмас. Лекин натижа бор. Иқтисодиётда сифат ўзгариши кузатилмоқда, давлат ва хусусий сектор ўртасидаги муносабатлар янги босқичга кўтарилмоқда, халқаро молия институтлари билан ҳамкорлик эса чуқур ва натижадор қиёфа касб этмоқда.

Муҳим жиҳати, Самарқанд форумида кўтарилган мавзулар тасодифий эмас. "Тараққиёт чорраҳалари: минтақанинг ўзаро боғлиқ келажагини илгари суриш" деган бош мавзунинг ўзиёқ бугунги дунёда тараққиёт эндиликда ёпиқ миллий чегаралар доирасида эмас, балки ўзаро боғлиқлик, интеграция, энергетика, транспорт, рақамлаштириш, инвестиция ва барқарорлик тўғрисидаги умумий фикрлар асосида шаклланишини англатади. Яъни давлатимиз раҳбари етакчилигида мамлакатимиз ўзини минтақавий ва глобал жараёнларнинг кузатувчиси бўлмай, балки уларни шакллантирувчи фаол иштирокчи сифатида намоён этмоқда. Бу катта сиёсий капитал.

Президентимизнинг Самарқанддаги нутқида келтирилган рақамлар ҳам қуруқ ҳисоб-китоб эмас, балки ислоҳотлар самарасининг лўнда ифодасидир. Сўнгги йилларда иқтисодиётимизга 150 миллиард доллар хорижий инвестиция кириб келгани, минглаб замонавий корхоналар ишга туширилгани, биргина энергетика соҳасида 35 миллиард долларлик сармоя ҳисобига электр ишлаб чиқариш ҳажми 1,5 баробар ортиб, 87 миллиард киловатт-соатга етказилгани иқтисодий силжишлар қанчалик кенг кўлам касб этганини кўрсатади. Товар ва хизматлар экспорти уч карра ўсди, иқтисодиёт ҳажми эса 50 миллиард доллардан 147 миллиард долларга етди. Бу яхлит сиёсий ислоҳотлар тизими, тўғри танланган устувор йўналишлар ва изчил давлат сиёсати натижасидир.

Мазкур рақамлар ортида нафақат иқтисодий ўсиш, балки жамиятнинг руҳий ўзгариши ҳам турганини кўрамиз. Чунки ҳар бир сармоя, ҳар бир янги завод фақат актив ёки қувват эмас, балки одамлар ҳаётидаги реал ўзгаришдир. Иш ўринлари яратилади, маҳаллий хизматлар ривожланади, ҳудудлар ўртасидаги тафовут камаяди, аҳолининг давлатга ишончи мустаҳкамланади. Шу нуқтаи назардан, иқтисодий ислоҳотлар мазмунини фақат макроиқтисодий кўрсаткичлардан эмас, балки инсон ҳаётининг сифатида ҳам кўриш керак. Ислоҳотларда асосий эътибор ҳар бир оила ва ҳар бир инсоннинг кундалик ҳаётини яхшилашга қаратилган. Камбағаллик даражасини 35 фоиздан 5,8 фоизга тушириш ҳақидаги маълумот айнан шу инсонпарвар йўналишнинг амалдаги ифодасидир.

Бу ерда ислоҳотларнинг яна бир муҳим ўзига хослиги намоён бўлади. Улар фақат бозорни эркинлаштириш учун эмас, балки жамиятнинг ижтимоий мувозанатини сақлаш учун ҳам хизмат қилмоқда. Бир томондан, хусусий секторга кенг йўл очилмоқда. Иккинчи томондан, камбағалликни қисқартириш, таълим, соғлиқни сақлаш, сув хўжалиги, экологик барқарорлик, турар жой қурилиши каби соҳаларга катта эътибор берилмоқда.



> **Форумдаги мулоқотлардан келиб чиқадиган яна бир муҳим хулоса юртимизнинг инвестиция сиёсати диверсификация қилинаётганидир. Яъни мамлакат бир ёки икки давлатга боғланиб қолмай, Жанубий Корея, Япония, Саудия Арабистони, АҚШ, Хитой, Европа давлатлари билан параллел ҳамкорликни ривожлантирмоқда.**

2020 йилдан буён Ўзбекистон суверен кредит рейтингларида ўз ўрнини барқарор ошириб келаётгани, иқтисодий эркинлик индексида мамлакатимиз 14 поғона юқорилаб, илк бор "иқтисодиёти мўътадил эркин" давлатлар қаторига киргани биз эришган натижаларнинг институционал ифодасидир. Ташқи дунё юртимиздаги ўзгаришларни ҳуқуқий-институционал ва молиявий баҳолаш мезонлари орқали ҳам тасдиқлаяпти. Бу эса мамлакатдаги ислоҳотларнинг ишончлилиги, барқарорлиги ва ортга қайтмаслигини кўрсатади.

Самарқанд анжуманининг муҳим жиҳати, у Ўзбекистоннинг Осиё тараққиёт банки билан муносабатларини янги босқичга олиб чиқди. Ўтган 30 йил давомида ОТБ мамлакатимиз учун ҳақиқий стратегик шерикка айлангани қайд этилди. Қарийб 16 миллиард долларлик лойиҳалар портфели бу ҳамкорлик кўламини кўрсатиб турибди. Темир ва автомобиль йўллари, энергетика, ижтимоий инфратузилма, сув таъминоти ва канализация, қишлоқ хўжалиги, хусусий сектор каби йўналишлардаги лойиҳалар фақат техникавий модернизация эмас, балки минтақавий ривожланишнинг янги тиргакларидир.

Президентимизнинг форумдаги нутқида Ўзбекистоннинг нафақат ўз тараққиёти, балки минтақавий барқарорлик ва ҳамкорлик учун ҳам ташаббускор давлат экани яққол кўринди. Айниқса, Марказий Осиё доирасидаги йирик инфратузилмавий лойиҳаларга алоҳида эътибор қаратилди. Бу ерда банк маблағларни сафарбар этишда етакчи ўрин тутиши мумкин. Марказий Осиё энди фақат географик ҳудуд бўлмай, балки бир-бирини тўлдирувчи иқтисодий маконга айланиши керак. Транспорт, энергетика, савдо, сув ресурслари, рақамли инфратузилма ва экология соҳаларидаги ҳамкорлик шунга хизмат қилади. Самарқандда айтилаётган таклифлар шу маънода минтақанинг умумий келажагига қаратилган.

Бугунги замонавий дунёнинг асосий калити рақамлаштириш ва сунъий интеллект билан узвий боғлиқ. Мамлакатимиз етакчиси бу мавзуда жуда аниқ ва келажакни кўра билишга асосланган таклифлар билдирди. Жаҳон савдо ташкилоти прогнозига кўра, 2040 йилга бориб, сунъий интеллект ҳисобига халқаро савдо айланмаси қўшимча 40 фоиз ошиши мумкин. Бундай шароитда рақамли инфратузилмага эга бўлган, кадрлар тайёрлаш тизимини вақтида йўлга қўйган, технологияни фақат истеъмол қилмасдан, унинг яратувчисига айланган мамлакатларгина рақобатбардош бўлади. Юртимизда сунъий интеллект хабини ташкил қилиш бошлангани, иқтисодиёт тармоқларида 200 дан ортиқ СИ лойиҳаси устида ишланаётгани, ҳудудларда дата марказлар, суперкомпьютерлар ва лабораториялар ташкил этилаётгани бежиз эмас. Бу келажак иқтисодиётига кириш учун зарур базавий қадамлардир.

ОТБ шафелигида ривожланаётган мамлакатларда сунъий интеллект кўламини ошириш бўйича алоҳида дастур ишлаб чиқиш таклифи жуда аҳамиятли. Бу ерда фақат миллий манфаатдан ташқари, балки минтақавий ва глобал масъулият ҳам мужассам. Шунинг учун Ўзбекистоннинг бу таклифи камбағалликни камайтириш, инсон капитали ва таълим сифатини ошириш билан бирга ривожланаётган давлатлар ўртасидаги рақамли тафовутни қисқартиришга қаратилган амалий қадам сифатида баҳоланиши мумкин.

Янги иқтисодий парадигмада энергия стратегик устунликдир. Самарқанд анжуманида муҳокама қилинган мавзулар орасида "яшил" энергетикага алоҳида урғу берилиши бежиз эмас. Чунки XXI аср иқтисодиётида рақобат фақат меҳнат ёки капитал билан эмас, балки тоза, барқарор ва арзон энергияга кириш имконияти билан ҳам белгиланади. Маърузада қайд этилганидек, Ўзбекистон сўнгги йилларда 5,6 минг мегаватт қувватга эга шамол ва қуёш электр станцияларини ишга тушириб, электр энергияси ишлаб чиқаришда "яшил" энергия улушини 30 фоизга етказди. 2030 йилга бориб, бу кўрсаткични 54 фоизга чиқариш режаси эса мамлакатнинг стратегик йўналиши қанчалик аниқ белгилаб олинганини кўрсатади.

Самарқанд форумида кўтарилган яна бир стратегик йўналиш транспорт ва логистика тизимларининг ўзаро боғлиқлигини кучайтириш масаласидир. Бугунги глобал иқтисодиётда маҳсулот ишлаб чиқаришдан кўра, уни тез ва арзон етказиб бериш муҳимроқ бўлиб бормоқда. Президентимиз нутқида жаҳондаги геосиёсий ўзгаришлар натижасида логистика коридорлари ўзгариб, Марказий Осиё давлатлари учун юк ташиш харажатлари 30 фоизгача ошгани қайд этилди. Бу оддий статистика эмас, балки минтақа иқтисодиёти учун жиддий хавф. Чунки логистика харажатлари юқори бўлган иқтисодиёт рақобатда ютқазади.

Шу нуқтаи назардан, "Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон" темир йўли лойиҳаси стратегик аҳамият касб этади. Бу лойиҳа фақат янги транспорт йўли эмас, балки бутун минтақа учун янги иқтисодий артериядир. У амалга ошса, юк етказиб бериш муддати 10 кунгача қисқаради, йиллик ташиш ҳажми 15 миллион тоннага етади. Бу эса Ўзбекистонни транзит давлатдан логистика хаби даражасига олиб чиқиши мумкин.

Илгари сурилган "Рақамли божхона ва логистика альянси" ташаббуси айнан шу муаммоларни ҳал қилишга қаратилган. Чунки муаммо фақат йўл қуришда эмас, ҳужжат айланмаси, чегарадан ўтиш, стандартларни уйғунлаштириш каби "кўринмас тўсиқлар" ҳам катта вақт ва харажат талаб қилади. Агар бу жараёнлар рақамлаштирилса, логистика самарадорлиги бир неча баробар ошиши мумкин.

Экология ва иқлим ўзгариши масаласи Самарқанд анжуманида марказий ўрин эгаллади. Марказий Осиё учун бу масала назарий эмас, балки ҳаётий аҳамиятга эга. Қурғоқчилик, сув танқислиги, чўлланиш иқтисодий ўсишни секинлаштирувчи омиллардир. "Яшил макон" лойиҳаси доирасида ҳар йили 200 миллион туп кўчат экилиши, Орол денгизи қуриган тубида 2 миллион гектар ўрмонзор барпо этилгани бу муаммоларга тизимли ёндашув борлигини кўрсатади.

Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган "Марказий Осиё яшил белбоғи" ташаббуси эса минтақавий даражадаги янги экологик платформа бўлиши мумкин. Бу ерда асосий савол координация ва молиялаштириш. Чунки экология лойиҳалари кўпинча иқтисодий қайтиши секин бўлган соҳаларга киради. Шунинг учун ОТБ каби институтлар иштироки ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Самарқанд анжуманида туризм соҳасига оид таклифлар ҳам диққатга сазовор. Сўнгги ўн йилда юртимизга келувчи хорижлик сайёҳлар сони 6 баробар ошиб, 12 миллионга етгани мамлакатимизнинг очиқлиги ва жозибадорлигини кўрсатади. "Марказий Осиё туризм ҳалқаси" ташаббуси бу соҳани янада кенг қамровли даражага олиб чиқишга қаратилган. Бу ерда мантиқ оддий: сайёҳ бир мамлакат эмас, бутун минтақани кўришни хоҳлайди. Агар виза, транспорт ва сервис интеграция қилинса, бутун Марказий Осиё ягона туристик маконга айланиши мумкин.

Самарқанддаги мулоқотлар бир нарсани очиқ кўрсатди: мамлакатимиз ташқи иқтисодий сиёсатда энди фақат "шерик топиш" эмас, балки "шериклик архитектурасини қуриш" босқичига ўтган. Бу фарқ принципиал. Чунки аввалги моделда давлат ташқи сармояни жалб қилишга уриниб, кўпинча шартларни инвестор белгилаган. Янги моделда эса аниқ устувор йўналишлар, соҳавий стратегиялар ва институционал ислоҳотлар асосида ҳамкорлик шакллантирилмоқда. Самарқанд форуми доирасида Корея Республикаси, Япония ва Саудия Арабистони билан ўтказилган учрашувлар айнан шу янги ёндашувнинг амалий кўринишидир.

Форумдаги мулоқотлардан келиб чиқадиган яна бир муҳим хулоса юртимизнинг инвестиция сиёсати диверсификация қилинаётганидир. Яъни мамлакат бир ёки икки давлатга боғланиб қолмай, Жанубий Корея, Япония, Саудия Арабистони, АҚШ, Хитой, Европа давлатлари билан параллел ҳамкорликни ривожлантирмоқда.

Президентимиз томонидан илгари сурилган Миллий инвестиция жамғармаси ташаббуси ҳам айнан шу мантиққа тўғри келади. 13 та йирик корхона активларини ўз ичига олган ушбу жамғарманинг 30 фоиз улушини халқаро фонд бозорига чиқариш режаси ички иқтисодиётни глобал молия тизимига интеграция қилиш йўлидаги муҳим қадамдир. Бу орқали давлат активлари самарадорлиги ошиши, корпоратив бошқарув стандартлари яхшиланиши ва инвесторлар учун янги имкониятлар яратилиши мумкин.

Самарқанд анжумани Ўзбекистоннинг янги иқтисодий ва сиёсий идентификациясини намоён этган воқеа бўлди. Мамлакат ўзини фақат ислоҳот ўтказаётган давлат сифатида эмас, балки минтақавий ва глобал тараққиёт кун тартибини шакллантирувчи субъект сифатида намоён этмоқда. Бу йўл осон эмас. Лекин энг муҳими — йўл танланган. Энди асосий вазифа шу йўлдан ортга қайтмаслик.

# ОСИЁ ТАРАҚҚИЁТ БАНКИНИНГ САМАРҚАНД ФОРУМИ

## ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ФЕНОМЕНАЛ ЎЗГАРИШЛАРНИНГ АМАЛИЙ ИФОДАСИ

**Хорижий экспертлар ва Самарқандда ўтаётган Осиё тараққиёт банки Бошқарувчилар кенгашининг 59-йиллик йиғилиши иштирокчилари Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг кўламли ўзгаришларга алоҳида эътибор қаратмоқда.**

**Профессор Карлос Уриарте САНЧЕС,
Умум-Европа Иттифоқининг Испаниядаги президенти:**



— Ишончим комилки, бундай нуфузли форум учун айнан янги Ўзбекистоннинг танланиши Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида амалга оширилаётган кенг кўламли ўзгаришларнинг реал натижасидир.

Ўзбекистон раҳбарининг иқтисодиётни чуқур трансформация қилиш ва аҳоли фаровонлигини оширишга қаратилган изчил ва прагматик сиёсати бугунги ютуқларингизнинг асосий омили бўлди. Нисбатан қисқа даврда Ўзбекистон таъсирчан натижаларни кўрсатди — иқтисодиёт ҳажми қарийб уч баробарга, яъни 50 миллиард доллардан 147 миллиард долларгача ўсди. 150 миллиард доллардан ортиқ хорижий инвестициялар жалб этилди, экспорт ҳажми уч баробарга кўпайди.

Айниқса, ўсиш нафақат миқдорий, балки сифат характерига ҳам эга экани диққатга сазовордир. Глобал беқарорлик шароитида иқтисодиёт юқори ўсиш суръатларини сақлаб қолмоқда. Сўнгги маълумотларга кўра, ўсиш 8,7 фоизни ташкил этди. Шу билан бирга, ижтимоий кўрсаткичлар сезиларли даражада яхшиланди. Камбағаллик даражаси қарийб 35 фоиздан 5,8 фоизга тушди, миллионлаб фуқароларнинг даромадлари эса сезиларли даражада ошди.

Асосий тармоқларда жадал модернизация ишлари олиб борилаётгани алоҳида эътиборга лойиқ. Энергетика соҳасида 35 миллиард доллар инвестиция ҳисобига электр энергияси ишлаб чиқариш 1,5 баробарга ошиб, 87 миллиард киловатт-соатга етди, "яшил" энергетика сектори фаол ривожланмоқда. Рақамли технологиялар ва инновацияларга асосланган янги иқтисодиёт, жумладан, сунъий интеллект соҳасидаги кенг кўламли дастурлар шакллантирилмоқда.

Бу ўзгаришларнинг барчаси бугунги кунда нафақат молиявий институт, балки Ўзбекистоннинг тўлақонли стратегик ҳамкори бўлган Осиё тараққиёт банки билан яқин ҳамкорликда амалга оширилаётгани муҳим деб ҳисоблайман. Қўшма лойиҳалар аллақачон кенг кўламга эга бўлиб, инфратузилма, хусусий сектор ва инсон капиталининг барқарор ривожланишига ҳисса қўшмоқда.

Ишончим комилки, Президент Шавкат Мирзиёев томонидан Самарқанд форуми доирасида илгари сурилаётган ташаббуслар — рақамлаштириш, "яшил" энергетика, транспорт ўзаро боғлиқлиги ва минтақавий ҳамкорликни ривожлантириш соҳасида узоқни кўзлаган ёндашувни намойиш этади ва нафақат Ўзбекистоннинг, балки бутун Марказий Осиё минтақасининг узоқ муддатли ўсиши учун асос яратади.

Умуман олганда, Президентингиз раҳбарлигида олиб борилаётган сиёсат бугуннинг ўзидаёқ аниқ натижаларни бермоқда. Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги мавқеини мустаҳкамламоқда ва 2030 йилгача бўлган улкан ривожланиш мақсадларига эришиш учун мустаҳкам пойдевор яратмоқда.

**Оливье КУЭНИ,
Европа инвестиция банкининг Марказий Осиёдаги минтақавий ваколатхонаси раҳбари:**

— Осиё тараққиёт банки Бошқарувчилар кенгаши йиғилиши Ўзбекистонда ўтказилаётгани мамлакатингиз нималарга қодир эканининг ёрқин намунасидир. Бу ерда ҳукуматлар, давлат ва хусусий сектор, халқаро молия институтлари вакиллари жам бўлди.



Мен Европа Иттифоқининг молиявий институти — Европа инвестиция банки вакили бўламан. Биз ҳар йили ОТБнинг йиллик йиғилишида иштирок этамиз, чунки банк билан бутун Осиё бўйлаб яқин ҳамкорлик қилиб, минтақалар ва қитъаларни боғлашга қаратилган лойиҳаларни биргаликда молиялаштирамиз.

Биз Сурхондарё вилоятидаги "Шеробод" қуёш лойиҳасини молиялаштирган эдик. Бу 450 мегаваттли йирик электр станцияси бўлиб, Ўзбекистонни тоза энергия билан таъминлайди. Келгусида транспорт лойиҳаларини — йўл ва темир йўллар қурилишини, шунингдек, бутун Марказий Осиё бўйлаб энергия тармоқларини ривожлантиришни биргаликда молиялаштириш имкониятини кўриб чиқмоқдамиз. Бундан ташқари, рақамли алоқа муҳим йўналиш ҳисобланади. Бунда сунъий йўлдош лойиҳалари ва кенг полосали интернетни, шу жумладан, оптик толали тармоқларни ривожлантиришга эътибор қаратилади.

Сўнгги ўн йил ичида Ўзбекистонда ҳақиқатан оламшумул ўзгаришлар юз берди. Иқтисодиёт сезиларли даражада ўсди ва хусусий секторнинг роли кучайди. Бунга тўғри танланган ислоҳотлар туфайли эришилди. Мамлакатда қонунчилик инвесторлар учун янада жозибадор қилинди ва бу сезиларли натижалар берди. Дастлаб хорижий инвестициялар энергетика соҳасига, кейин эса иқтисодиётнинг бошқа тармоқларига фаол кириб келди.

Бугунги кунда хорижий компаниялар энергетика, сув таъминоти, транспорт, соғлиқни сақлаш ва бошқа соҳаларга сармоя киритмоқда. Бу иқтисодий ривожланиш ва иш ўринларини яратиш учун жуда муҳим, айниқса, Ўзбекистонда яхши маълумотга эга бўлган кўплаб ёш ва иқтидорли инсонлар борлигини ҳисобга олсак. Бу кейинги авлод учун имконият яратади. Мамлакат таълим ва коммуникация соҳаларида ҳам фаол ривожланмоқда — инглиз тилини билиш хорижий компаниялар билан ҳамкорлик қилиш ва бизнес юритишда қўл келади.

Айни пайтда Европа инвестиция банки минтақавий офисини Тошкентда очмоқда. Расмий очилиш маросими шу йил июнь ойида Тошкент халқаро инвестиция форуми доирасида ўтказилиши режалаштирилган.

**Профессор Нина ЛИНДЕ,
Латвия фанлар академияси Иқтисодиёт институти директори:**

— Бундай нуфузли тадбирнинг Ўзбекистонда ўтказилиши мамлакатингизнинг халқаро майдондаги нуфузи ортиб бораётгани, минтақавий ва ҳудудлараро ҳамкорликни



ривожлантиришдаги фаол ролидан далолат беради. Очилиш маросимида Ўзбекистон раҳбари Шавкат Мирзиёев ва ОТБ президенти Масато Канданинг иштирок этиши форумга алоҳида аҳамият бағишлайди.

Куни кеча Ўзбекистон ва Осиё тараққиёт банки ўртасидаги шерикликнинг узоқ муддатли ва стратегик хусусиятини акс эттирувчи 2026-2030 йилларга мўлжалланган янгиланган Ҳамкорлик дастури бўйича ўзаро англашув меморандуми имзолангани алоҳида эътиборни тортмоқда.

Ушбу дастурнинг амалга оширилиши инвестицияларни жалб қилиш, инфратузилмани ривожлантириш, таркибий ислоҳотларни қўллаб-қувватлаш ва иқтисодиётга инновацион ёндашувларни жорий этишга хизмат қилади. Бу, шунингдек, мамлакатнинг барқарор ўсиши ва рақобатбардошлигини ошириш учун қўшимча имкониятлар яратади.

Йиғилиш доирасида икки томонлама учрашувлар ва тематик семинарлар ўтказиш иқтисодий ривожланишнинг асосий йўналишлари, жумладан, рақамлаштириш, "яшил" иқтисодиёт ва минтақавий интеграция бўйича мулоқотни чуқурлаштириш имконини беради.

Бундай майдонлар тажриба алмашиш ва келишилган ечимларни ишлаб чиқиш учун қулай муҳит яратади. Ўзбекистон халқаро ҳамкорликка очиқлигини ва йирик иқтисодий ташаббусларни амалга оширишда муҳим шерик бўлишга тайёрлигини намойиш этмоқда.

Умуман олганда, ОТБ Бошқарувчилар кенгашининг навбатдаги йиллик йиғилишини Самарқандда ўтказиш иқтисодий дипломатияни мустаҳкамлаш йўлидаги муҳим қадам бўлиб, Марказий Осиёда ва ундан ташқарида ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада кенгайтиришга хизмат қилади.

**Ҳироки КАСАҲАРА,
Осиё тараққиёт банкининг Иқлим ўзгариши ва барқарор ривожланиш департаменти етакчи мутахассиси:**

— Ўзбекистон Осиё тараққиёт банкининг йиллик йиғилишига иккинчи бор мезбонлик қилмоқда ва бу бутун Марказий Осиё минтақаси учун ҳам алоҳида аҳамият касб этади. Ўтган сафар тадбир пойтахт Тошкентда ўтказилган бўлса, бу сафар Самарқанд диққат марказида.

Анжуманнинг у ерда ўтказилиши иштирокчиларга нафақат мамлакатнинг молиявий ва маъмурий маркази, балки унинг маданий мероси, миллий қадриятлари ҳамда ҳудудий ривожланиш салоҳияти билан ҳам яқиндан танишиш имконини беради. Самарқанд Ўзбекистоннинг тарихий меросини ҳам, унинг замонавий тараққиётини ҳам яққол намоён этиб, мамлакат истиқболлари ҳақида янада яхлит тасаввур шаклланишига хизмат қилади.



ОТБ ва Ўзбекистон ўртасидаги ҳамкорлик қарийб 35 йиллик тарихга эга. Бу даврда инфратузилмани ривожлантиришга, хусусан, йўл қурилиши, энергетика, электр тармоқлари, сув хўжалиги ва бошқа муҳим йўналишларга катта эътибор қаратилди. Бироқ нафақат инфратузилмани яратиш, балки унинг барқарор фаолият юритишини таъминлаш ҳам муҳим жиҳатдир. Тегишли бошқарув ва хизмат кўрсатиш бўлмаса, бундай лойиҳалар ўз қийматини йўқотиши мумкин. Шу боис, ОТБ ушбу объектларнинг самарали бошқаруви ва сақланишини таъминлаш мақсадида инвестициялар билан бир қаторда мутахассислар малакасини ошириш ҳамда давлат ва маҳаллий институтларни мустаҳкамлаш дастурларини ҳам амалга оширмоқда.

Йиллик йиғилишнинг ўтказилиши ОТБнинг барча иштирокчилари ва ҳамкорлари учун Ўзбекистондаги бугунги вазиятни яхшироқ англашга хизмат қиладиган муҳим майдондир. Бу ҳамкорликнинг янги ёндашувларини ишлаб чиқиш ва келгуси лойиҳаларни биргаликда режалаштириш учун замин яратади. Натижада ОТБ ва Ўзбекистон ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик келажакда қандай ривожланиши кераклиги ҳақида янада аниқроқ тасаввур шаклланади.

**"Дунё" АА**

**Марказий Осиёнинг тоғ музликлари минтақа учун биологик “сув банки” вазифасини ўтайди. Қор эриши ёз бошида дарёларни тўлдиради, дарёлар суғориш каналларини, каналлар эса деҳқончиликни тирик тутади. Ушбу занжирнинг ҳар бир бўғинида Марказий Осиёнинг иқтисодий ва ижтимоий ҳаёти осиғлиқ турибди, десак асло муболаға эмас.**




Долзарб мавзу

# МАРКАЗИЙ ОСИЁ “ЯШИЛ БЕЛБОҒИ” экологик барқарорлик асоси



Ўктамжон ТИЛАВОВ,
профессор

Бошланиши 1-бетда

2026 йил апрель ойида Остонада иккита муҳим тадбир чақирилди. Биринчиси “Барқарор келажак учун умумий нигоҳ” шиори остидаги Минтақавий экологик саммит бўлса, иккинчиси Оролни қутқариш халқаро жамғармаси (ОҚХЖ) таъсисчи давлатлари раҳбарлари мажлиси. Иккала тадбирнинг кетма-кет бир вақтда ўтказилиши тасодиф эмас. Улар бир-бирини мантиқан тўлдиради. Биринчиси умумий экологик сиёсат ҳақида, иккинчиси эса ўша умумий муаммонинг энг дардли нуқтасига, яъни Орол фожиасига қаратилган.

## Рейтинглар ортидаги реаллик

Бугун дунёда ҳарорат ошаётгани ҳақида катта минбарларда бонг урилмоқда. Аммо бу жараён Марказий Осиёда умумий кўрсаткичлардан икки баробар тез кечаётгани ачинарли ҳолат.

Марказий Осиёнинг тоғ музликлари минтақа учун биологик “сув банки” вазифасини ўтайди. Қор эриши ёз бошида дарёларни тўлдиради, дарёлар суғориш каналларини, каналлар эса деҳқончиликни тирик тутади. Ушбу занжирнинг ҳар бир бўғинида Марказий Осиёнинг иқтисодий ва ижтимоий ҳаёти осиғлиқ турибди, десак асло муболаға эмас. Гидрологлар “музлик суви банкини тугатиш” деб атайдиган ҳолат бор, яъни музликлар эрийди, кейин қурийди, сув манбаи батамом йўқолади. Бу сценарий энди назарий хавф эмас. Сирдарё ва Амударёнинг юқори оқими ҳудудларида бу жараён аллақачон бошланган ва музликларнинг учдан бир қисми йўқолган. Фарғона водийсида деҳқонлар сув навбатини кутиб, эртадан кечгача канал бошида ўтиради, Қашқадарёда айрим йиллари суғориш мавсуми қийин кечади.

Атмосфера сифати масаласи ҳам кескин. Марказий Осиёдаги Тошкент, Олмаота, Бишкек ҳаво сифати пастлиги индекси бўйича дунё шаҳарлари рейтингига тез-тез кириб қолади. Бу индекс кимёвий лаборатория ўлчовлари, тиббий статистика ва транспорт таҳлили асосида тузилади. Нафас тизими касалликлари, болаларда астма тарқалиши, ишчи ёшидаги аҳолида нафас йўллари шикастланиши поликлиника статистикасида яширинган.

Чанг ва туз бўронларини алоҳида айтиш зарур. Орол денгизи қуриши билан унинг тубида йиллар давомида йиғилган кимёвий ўғитлар ва пестицидларни сингдирган заҳарли тузлар атмосферага кўтарилди. Ҳар йили миллионлаб тоннагача шундай заҳарли чанг ҳавога кўтарилади ва шамол уни юзлаб километрга тарқатади.

## Минтақавий муаммолар кесишуви

Иқлим ўзгариши мантиғи билан қараганда, “фалон мамлакат кўпроқ зарар кўрди” ёки “фалон мамлакат кўпроқ айбдор” деб айтиш осондир, аммо Марказий Осиёда реаллик бошқача. Бу ерда беш мамлакатнинг экологик тақдири биттагина гидрологик тизим, яъни Амударё ва Сирдарё ҳавзаси орқали чамбарчас боғланган.

Тожикистон ва Қирғизистон тоғ музликлари эрийдиган бошланғич нуқтани назорат қилади, аммо сув пастга оқади. Ўзбекистон ва Туркманистон сувнинг йирик истеъмолчилари, аммо сув манбалари улар ихтиёрида эмас. Қозоғистон геосиёсий ва иқлим жиҳатидан кенг ҳудуд, унинг чўлланаётган даштлари ва саноат чиқиндилари масаласи бор. Мана шу беш мамлакат яхлит тизим сифатида иш тутмаса нима бўлади? Бир давлат ирригация самарадорлигини оширса-ю, иккинчиси ўз каналларини кенгайтиришни бошласа, бир мамлакат саноатни тозаласа, қўшниси иссиқхона газлари нормасини эътибордан қолдирса, умумий натижа нолга тенг бўлмайдими? Иқтисодчилар бундай вазиятни “маҳаллий оптималлаштиришдан умумий зарарга” деб атайди. Яъни ҳар бир давлат ўзи учун тўғри қарор қабул қилади. Аммо умумий натижаси ҳаммага зарар беради. Марказий Осиёда айнан шу мантиқ ишга тушмаслигининг асосий ягона ечими умумий стандарт, умумий механизм ва умумий жавобгарликдир.

Ўзбекистон раҳбари томонидан Остонада тақдим этилган ташаббуслар айнан шу нуқтага йўналтирилган.

## “Марказий Осиёнинг тоза ҳавоси” консорциуми

Остонада “Марказий Осиёнинг тоза ҳавоси” давлатлараро консорциумини тузиш таклиф қилинди. Консорциум ҳавони ифлослаш манбаларини аниқлаш, минтақавий ягона мониторинг тизимини йўлга қўйиш, саноат объектларини модернизациялашда “яшил” молиялаштиришни биргаликда бошқариш учун вазифа олади. Бу минтақа мамлакатлари ҳаво сифати масаласида якка-якка иш тутиш ўрнига, ягона платформада ва ягона стандарт асосида ишлашининг биринчи марта расмий тилга олиниши бўлди.

Тошкент, Олмаота, Бишкекда қиш кунлари “ҳаво ифлосланиши юқори” бўлиши нормал ҳолга айланиб улгурди. Атроф-муҳит мутахассислари бу аҳволнинг уч асосий сабабини айтади. Яъни иситиш мавсумида кўмир ва маиший ёқилғи ёқиш, ўтган асрнинг 90-йиллар стандартидаги эскирган транспорт парки ва ишлаб чиқариш корхоналарида тозалаш инфратузилмаси заифлиги.

Муаммонинг ўзига хос бир жиҳати шундаки, ҳаво ифлосланишининг қиёсий таҳлили учун маълумот тўплаш ва ўлчашнинг минтақавий тизими мавжуд эмас. Қозоғистонда йирик шаҳарларда автоматик станциялар бор, Ўзбекистонда тизим кенгайяпти, лекин Тожикистон, Қирғизистон ва Туркманистонда ўлчов станциялари камчил. Натижада баъзи ҳудудлардаги ҳаво ифлосланиши раёсат баёнотларда муаммо ўлароқ тан олинса-да, аниқ рақамлар йиғилмайди. Қиёслашга ярайдиган умумминтақавий маълумот йўқ, демак, умумий чоралар ишлаб чиқиш учун асос ҳам йўқ.

Шундай экан, консорциум тузиш таклифи, аввало, шу тафовутни бартараф этишга қаратилган. Ягона мониторинг тармоғи, ягона методология ва ягона маълумотлар базаси мамлакатлар ўртасидаги ҳаво сифатини қиёслаш ва ортиқча чиқинди чиқарувчи объектларни биргаликда идентификация қилиш имконини беради.

Иккинчи муҳим жиҳат. Яшил иқлим жамғармаси (GCF) ёки Глобал экология фонди (GEF) каби халқаро иқлим институтлари билан мамлакатлар ҳозир алоҳида-алоҳида музокара қилади. Ягона консорциум орқали битта музокара, битта ҳужжат, битта ижро ва натижани кузатиш тизими яратилиши мумкин.

Бугунги кунда ҳавони ифлослантирувчи объект саноат зонаси бўладими, иссиқлик станцияси ёки катта транспорт тугуни бўладими, кўпинча давлат чегараси яқинида жойлашган. Аммо ўлчов тизими фақат ўз ҳудудида ишлайди. Фикримизча, Марказий Осиёнинг чегарадош ҳудудларидаги автоматик станциялар тармоғи ягона онлайн платформага уланса, ҳар бир мамлакат ўзи ва қўшнисининг ҳаво ҳолатини реал вақтда кўра олади. Маълумотлар журналистлар, тиббий мутахассислар ва фуқаролар учун очиқ эълон қилинса, жамоатчилик назорати механизми пайдо бўлади.

Тан олиш керак, тозалаш тизими ўрнатиш бизнес учун ортиқча харажат. Шундай экан, мажбуриятсиз ҳеч ким бу харажатни қилишни истамайди. Аммо иқтисодий рағбат мажбуриятдан яхшироқ ишлайди. Агар консорциум минтақа мамлакатларида бир хил тарзда тозалаш тизими ўрнатган корхонага солиқ имтиёзи, экспорт имтиёзи ёки арзон кредит каби механизмларни жорий этса, бизнес ихтиёрий равишда “яшил” йўналишга бурилади.

Марказий Осиёда ҳаво ифлосланишининг катта қисми транспорт туфайли вужудга келади. Шаҳарда юрадиган автобуслар, юк машиналари, эскирган хусусий автомобиллар кўпинча “Евро-1” ёки “Евро-2” стандартидан анча паст. Баъзи мамлакатлар 2030 йилгача “Евро-4” стандартига ўтишни режалаштирган бўлса, бошқалари ҳали аниқ жадвал ҳам қилмаган. Консорциум умумий минтақавий стандарт белгилаши, масалан, 2028 йилдан фақат “Евро-4” ва ундан юқори стандартли транспорт воситаларига рухсат бериш, 2032 йилга бориб, умумий паркда қуйи стандартли транспортни чеклаш ва ушбу жадвалга риоя этишни бирга назорат қилса, натижа сезиларли бўларди.

> **Минтақада ерни тиклаш тажрибаси асрлар давомида мавжуд. Аммо у тарқоқ ва умумлаштирилмаган. Бир ерда дарахт экилади ва яйлов тикланади, аммо бу тажриба қўшни ҳудудга тарқалмайди. Марказ минтақавий мақом олса, бу тажрибаларни тўплаш, таҳлил қилиш ва стандартлаштиришга масъул бўлади.**

## Чўлланишга қарши марказга минтақавий мақом бериш нима учун муҳим?

Чўлланиш секин кечадиган, кўринмас, аммо тизимли жараён. У тупроқнинг юза қатламини эрозия орқали олиб кетади, ўтлоқларни емириб, ер ости сув сатҳини пасайтиради, ҳосилдорликни йил сайин камайтириб боради. Масалан, Орол денгизи атрофидаги ерларда тупроқ шўрланиши натижасида 1 гектардан олинадиган ҳосил ўртача 30-40 фоиз камайган. Бу фақат аграр кўрсаткич эмас, у иқтисодий ва ижтимоий кўрсаткич.

Минтақада ерни тиклаш тажрибаси асрлар давомида мавжуд. Аммо у тарқоқ ва умумлаштирилмаган. Бир ерда дарахт экилади ва яйлов тикланади, аммо бу тажриба қўшни ҳудудга тарқалмайди. Марказ минтақавий мақом олса, бу тажрибаларни тўплаш, таҳлил қилиш ва стандартлаштиришга масъул бўлади. Нигерия, Эфиопия ва Покистон тажрибаси кўрсатадики, ротацион яйловчилик ва дарахт экиш орқали 5-8 йилда деградациялланган ерлар тикланиши мумкин. Марказий Осиёда ҳам ана шундай салоҳият бор. Фақат умумий методология ва биргаликдаги куч зарур.

## “Яшил” савдо йўлаги зарурати

Марказий Осиё “яшил” савдо йўлаги — “яшил” технологиялар ва экологик тоза маҳсулотлар учун минтақа ичида имтиёзли божхона тартиботи белгилаш ва ушбу маҳсулотларнинг сертификатларини барча беш мамлакат ўртасида ўзаро тан олиш тизимини яратиш таклифи илгари сурилди. Мақсад — минтақадаги корхоналарни “яшил” ишлаб чиқаришга реал иқтисодий рағбат орқали ундаш ва маҳсулотларнинг халқаро бозорларда рақобатбардошлигини ошириш.

Масалан, Европа Иттифоқи 2026 йилдан бошлаб углерод сарфи чегараси (CBAM) механизмини ишга туширди. Агар ЕИга экспорт қилинаётган металл, цемент, алюминий, ўғит, электр энергияси ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқарилаётганда белгиланган чегарадан ортиқ углерод газлари чиқарилган бўлса, импортёр нормадаги фарқни солиқ сифатида тўлайди. Оддий қилиб айтганда, Марказий Осиё корхонаси “ифлос” технология билан маҳсулот ишлаб чиқариб Европага сотгандаги нархига қўшимча CBAM солиғи қўшилади. Бу маҳсулот нархини ошириши мумкин ва натижада Европа харидори бошқа “тозароқ” ишлаб чиқарувчини танлайди. Минтақа мамлакатлари CBAMни ҳозирдан жиддий қабул қилмаса, 5-10 йил ичида ЕИ билан савдода бозор улуши йўқотилиши мумкин.

Иккинчидан, ички бозорни унутиб бўлмайди. Агар минтақа ичида “яшил” маҳсулотга имтиёз берилмаса, ишлаб чиқарувчи нима учун янги технологияга инвестиция қилсин? У бозорда ҳеч қандай устунлик олмайди. Аммо агар “яшил” сертификатли маҳсулот минтақа ичида имтиёзли бож ставкасидан ўтса, давлат харидларида устунлик олса ёки ижтимоий реклама орқали нуфузи ошса, бизнес ўзини “яшил” томонга уради. Бунга давлат мажбурлови орқали эришиш ниҳоятда қийин. Чунки назорат харажатлари юқори, ижро кафолатланмаган. Бозор рағбати эса ижро механизмини бизнеснинг ўзига юклайди ва  давлат фақат ўйин қоидасини белгилайди.

Учинчидан, бугун “яшил” технологиялар, қуёш панеллари, шамол турбиналари, электромобиль батареялари ишлаб чиқаришда ҳеч бир давлат Хитой билан рақобатлаша олмайди. Марказий Осиё Хитойга яқин жойлашган экан, у ердан келадиган ушбу технологиялар учун умумий тендер, импорт канали, нарх музокараси имкони мавжуд. Бу технологияларни мамлакатлар алоҳида-алоҳида харид қилса, кичик мижоз бўлади. Бирлашиб харид қилинса, мамлакат эмас, бозор мақомига чиқади ва катта нарх чегирмаларига йўл очилади.

Ҳозир минтақа мамлакатларида “экологик тоза маҳсулот” тушунчаси турлича талқин этилади. Қозоғистонда берилган сертификат Ўзбекистонда тан олинмайди, Ўзбекистон тасдиқлагани Қирғизистонда ишламайди. Ягона минтақавий сертификат эса арзонроқ ва тижорат жиҳатидан анча жозибали эмасми? Бу тизим ISO 14001 ва Европа муқобилига мувофиқ тузилса, халқаро харидорлар учун ҳам тушунарли бўлади ва Европа бозорига кириш имконини ошириш учун ишончли асос вазифасини ўтайди.

Кичик ишлаб чиқарувчи учун энг катта муаммолардан бири маълумот топишдир. У қайси технологиялар мавжудлигини, нархини, ким субсидия беришини, қай тартибда солиқ имтиёзи олишни кўпинча билмайди. Мамлакатлар ўртасида умумий онлайн платформа яратилиб, маҳсулот каталоги, молиялаштириш базаси, маслаҳат хизмати шакллантирилса, турган гапки, кичик бизнеснинг “яшил” технологияни қабул қилиш тезлиги ошади. Масалан, Европадаги Enterprise Europe Network кичик корхоналарни “яшил” инновациялар билан боғлаш учун ишлайди. Марказий Осиё учун ана шундай умумминтақавий маслаҳат тизими лозим.




## Иқлим лойиҳалари учун ягона инвестиция портфели

Форумда яна бир муҳим ташаббус — Марказий Осиё иқлим лойиҳаларини тарқоқ ташаббуслар эмас, ягона стратегик инвестиция портфели тарзида шакллантириш таклиф қилинди. Бутун минтақанинг барқарор ривожланишга оид кичик ёки йирик лойиҳалари яхлит ҳужжатда жамланади, устуворлик тартиби белгиланади ва халқаро инвесторлар, фондлар билан айнан шу портфель орқали ишланади. Мақсад — молиявий жозибадорликни ошириш, халқаро ёрдамни минтақанинг устувор эҳтиёжларига тўлиқ мувофиқлаштириш.

Бугунги тизим шундайки, Қозоғистон, Ўзбекистон, Тожикистон ҳар бири ўзи учун иқлим лойиҳасини тайёрлайди. Халқаро молия институтлари ҳар бир мамлакат билан алоҳида музокара ўтказади. Ҳар бир музокара ўз ҳужжатларини, ўз тизимини, ўз вақт жадвалини талаб қилади. Натижада лойиҳалари кечикади, маблағ камроқ ажратилади.

Муаммонинг яна бир томони — лойиҳалар орасида устувор тартиб йўқлиги. Баъзи мамлакатлар бир вақтнинг ўзида ўн ёки ундан ортиқ иқлим лойиҳасини молиялаштириш учун муайян халқаро манбага мурожаат қилаётган бўлади. Аммо ушбу лойиҳаларнинг бир қисми чала ишлаб чиқилган, бошқасида аниқ аудит механизми йўқ, учинчисида ижро жадвали кўрсатилмаган. Халқаро инвестор нима кўради? Тизимсиз, тасдиқланмаган, форматлари мувофиқлаштирилмаган лойиҳалар тўплами. Бундай ёндашув билан молиявий ёрдам олиш қийин.

Бунда айнан ягона инвестиция портфели муаммонинг тизимли ечими бўла олади. У, аввало, ягона баҳолаш мезонини белгилаб, қайси лойиҳа устувор, нима учун, қандай мезон асосида каби саволларга жавоб беради. Инвестор билан “беш мамлакат бир портфель” сифатида мурожаат қилиш самаралироқ. Зеро, молия бозорида умумий қоида бор. Йирик ва шаффоф бизнес кичик ва тарқоқ бизнесдан арзонроқ кредит олади. Минтақа учун ҳам шу мантиқ ишлайди.

## Орол тарих эмас, давом этаётган ҳодиса

Орол денгизи қуриши жаҳон тарихидаги энг катта экологик фалокатлардан бири сифатида ҳатто мактаб дарсликларига кириб улгурган. Аммо дарслик мисоли одатда ўтмишни тасвирлайди. Фалокат 1960-1970 йилларда бошланган, аммо у ҳали тугамаган, унинг оқибатлари бугун ҳам давом этяпти ва айрим жиҳатлардан кучайяпти.

Денгиз ўрнида пайдо бўлган чўл ҳар йили миллионлаб тоннагача туз, чанг ва заҳарли моддаларни атмосферага кўтаради. Бу чанг совет даврида суғориш дельтасига сингиб кетган пестицид ва кимёвий моддалар билан тўйинган. У шамол билан 500-600 километр масофага тарқалади ва Ўзбекистон, Қозоғистон, Туркманистонни қамраб олади.

ОҚХЖ таъсисчи давлатлари раҳбарларининг Остонада ўтказилган мажлисида ушбу реаллик тан олинди. Жамғарма 1993 йилда, Орол инқирози авж палласида таъсис этилган ва у Марказий Осиёдаги энг узоқ яшаган минтақавий экологик тузилма. 30 йилдан ортиқ вақт ичида ОҚХЖ доирасида 34 та сув тежаш инфратузилмаси, Орол атрофида ўрмон экиш, ерни тиклаш каби минтақавий лойиҳалар ишлаб чиқилган.

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда ирригация тизимини модернизациялаш бўйича қилинган ишлар аниқ натижа бера бошлади. Ҳозир ирригациядаги самарадорлик ошиши орқали йилига 10 миллиард куб метрдан ортиқ сув тежалаётгани айтилди. 2030 йилга бориб бу кўрсаткич 15 миллиард куб метрни ташкил этиши мўлжалланган.

Келаси йилдан Оролни қутқариш халқаро жамғармаси раислиги Ўзбекистонга ўтади. Бу раисликни кўп нарса сифатида кўриш мумкин — дипломатик ютуқ, минтақавий нуфуз кўрсаткичи, яна бир расмий мақом. Аммо прагматик жиҳатдан у, аввало, масъулият экани Ўзбекистон раҳбари томонидан алоҳида таъкидланди.

## “Келажак суви”

Мажлисда сувга эҳтиёткор муносабат маданиятини тиклаш учун “Келажак суви” дастурини ривожлантириш айтилди. Бу иборанинг ортида аслида жиддий ғоя бор. Марказий Осиё халқлари тарихан сувни асраб-авайлашни жуда яхши билган. Хоразм суғориш тизими, Фарғона водийсидаги сув улашиш анъаналари, Самарқанд ариқлари — буларнинг ҳаммаси минтақада сув менежментининг асрий тажрибасини кўрсатади. Совет даврининг “кўп сув — кўп пахта” сиёсати ушбу маданиятни бузди, сув давлатники, тежаш бефойда деб ҳисобланди.

“Келажак суви” дастури мактабларда сув тежаш ҳақида аниқ билим бериш, маҳаллий ва қишлоқ сув ташкилотларини қўллаб-қувватлаш, жамоа даражасида сув аудити ўтказиш кабиларни назарда тутади. Бу чоралар техник ечимлардан кўра камроқ “зарарли” кўринади. Аммо ижтимоий норма ўзгарса, одамлар сувни тежашни шахсий масъулият деб ҳис этса, техник тизимлар ҳам кўпроқ самара беради. Маданий ва техник ёндашув бир-бирини кучайтиради.

## Ёшлар, таълим ва келажакка нигоҳ

Остонада 2027 йилда Ўзбекистонда Жаҳон ёшлар иқлим форумини ўтказиш таклифи берилди. Шу ўринда яна бир масала — умумтаълим мактабларида иқлим ва барқарор ривожланиш мавзуларини ўқув режасига киритилиши ҳам кун тартибига чиқади.

Остона ташаббусларини амалга ошириш, “яшил” технологияларни жорий этиш, ирригацияни бошқариш, чўлланишга қарши курашиш, “яшил” бизнес тузиш учун зарур бўлган авлод ҳозир мактабда ўқияпти. Ушбу болалар 2035-2040 йилларда муҳандис, агроном, молиячи, сиёсатчи бўлиб етишади. Уларнинг иқлим саводхонлиги, экология ҳақида аниқ билими, барқарор ривожланиш ҳақида танқидий фикрлаш қобилияти бугун берилаётган таълим орқали шаклланади.

Финляндия 2000-йиллар бошида “барқарор ривожланиш”ни мактаб ўқув режасига интеграция қилди. Нафақат алоҳида фан сифатида, балки ҳар бир фан ичида тафаккур методи сифатида. Жанубий Корея ҳам шу йўлни тутди. Натижада ушбу мамлакатларда “яшил иқтисодиёт”га ўтиш жараёни бошқа мамлакатлардагидан анча осонроқ кечди. Чунки ёшлар ўша тилни, ўша мантиқни ва ўша мезонни мактабдан билиб чиққан. Марказий Осиё учун бу тажриба таълим вазирликлари кун тартибига кириши лозим бўлган масала.

## Ҳисоб-китоб вақти

Ўзбекистон Президентининг Самарқандда айтилган фикрига қайтайлик. Табиатни авлодлардан қарзга оляпмиз. Қарздор бўлиш айб эмас, агар қарз тан олинса. Остонада кўтарилган “Тоза ҳаво” консорциуми, Чўлланишга қарши марказга минтақавий мақом бериш, “Яшил савдо йўлаги” ва ягона инвестиция портфели каби ташаббуслар ана шу қарзни тан олишнинг тизимли ифодасидир. Ундан ташқари, ОҚХЖ ислоҳотлари, “Келажак суви” дастури — барчаси биргаликда Марказий Осиёнинг барқарор ривожланишга реал ёндашаётганини кўрсатади.

Муз кутмайди. Тупроқ кутмайди. Орол атрофидаги аҳоли ҳам кутмайди. Агар Ўзбекистон раҳбари ташаббусларига жиддий ёндашилса, улар нафақат Марказий Осиё, балки ўхшаш иқтисодий ва экологик вазиятдаги бошқа минтақалар учун ҳам ўрнак бўлиши мумкин. Чунки сув, ҳаво ва ер чегара билмайди ва ҳар биримиздан бир кун ҳисоб сўрайди.

**Электрлаштирилган замонавий темир йўл тизими ишга туширилиши транспорт ҳаракатини тезлаштирибгина қолмай, экологик жиҳатдан ҳам самарали ечимдир. Бу эса барқарор ривожланиш тамойилларига мос ҳолда ҳудуд инфратузилмасини шакллантириш имконини беради.**

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН
www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz.uz_news





Шарҳ

# ГЛОБАЛ ЛОГИСТИКА ЗАНЖИРИ

**Бугунги кунда жаҳон иқтисодиёти шиддат билан ўзгараётган, давлатлар ўртасидаги ўзаро боғлиқлик чуқурлашиб бораётган мураккаб босқичга кирди. Глобаллашув жараёнлари натижасида товарлар, капитал, хизматлар ва технологиялар ҳаракати кескин жадаллашди. Бу эса ҳар бир давлатдан нафақат ички барқарорликни таъминлаш, балки глобал рақобат муҳитида ўз ўрнини мустаҳкамлашни ҳам талаб этмоқда. Айниқса, логистика ва транспорт инфратузилмаси бу жараённинг марказий бўғинига айланиб бормоқда.**



УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!

Шу нуқтаи назардан, темир йўл тизими замонавий иқтисодиётнинг оддий инфратузилма элементи эмас, балки стратегик ҳаракатлантирувчи куч сифатида намоён бўлмоқда. Темир йўллар орқали ҳудудлар ўзаро боғланади, саноат марказлари ва бозорлар ўртасида барқарор алоқа шаклланади, транзит оқимлар кенгаяди. Энг муҳими, иқтисодий жараёнларда вақт омили янги қиймат касб этади — масофалар қисқаради, самарадорлик ортади.

Марказий Осиё ҳудуди бугун глобал транспорт рақобатининг муҳим майдонига айланган. Хитойдан Европа ва Яқин Шарққа чиқувчи йўлаклар, Россия ва Каспий минтақаси орқали ўтадиган йўналишлар, шунингдек, жанубий коридорлар ўртасидаги рақобат кучаймоқда. Ана шундай шароитда Ўзбекистон геостратегик жойлашувидан самарали фойдаланиб, транзит давлат сифатидаги салоҳиятини изчил мустаҳкамлаб бормоқда.

Сўнгги йилларда мамлакат транспорт соҳасидаги кенг кўламли ислоҳотлар айнан шу мақсадга хизмат қилмоқда. Темир йўл инфратузилмаси модернизацияси орқали ички бозорлар интеграцияси кучаймоқда, ҳудудлар ўртасидаги иқтисодий фарқлар қисқармоқда.

Тошкент вилоятида Байтқўрғон — Паркент темир йўл линияси қурилиши мамлакат транспорт инфратузилмасини модернизациялаш йўлидаги муҳим босқичлардан бири сифатида баҳоланмоқда. 2025 йил январь ойида бошланган ушбу йирик лойиҳа қисқа муддат ичида юқори суръатда амалга оширилиб, бугунги кунда тўлиқ якунланиш босқичига етказилди.

Лойиҳа доирасида умумий узунлиги 24 километрдан иборат темир йўл барпо этилди. Шу билан бирга, инфратузилмани мустаҳкамлаш мақсадида Паркент темир йўл станцияси ҳудудида 50 ўринли замонавий вокзал қурилиб, фойдаланишга тайёр ҳолатга келтирилди. Бу нафақат йўловчиларга қулайлик яратади, балки ҳудуднинг логистика мавқеини ҳам оширади.

Бугунги кунга келиб, Байтқўрғон — Паркент темир йўл линиясининг барча қурилиш ишлари тўлиқ якунлангани ва у эксплуатацияга тайёр экани расман қайд этилмоқда.

Ушбу йирик лойиҳа Паркент тумани ва унинг атроф ҳудудлари учун янги ривожланиш босқичини бошлаб беради. Темир йўл орқали транспорт алоқалари яхшиланиши ҳудудга инвестиция оқимини оширади, кичик ва ўрта бизнес ривожига туртки беради ҳамда янги иш ўринлари яратади. Шу билан бирга, аҳоли ҳаракатчанлиги ошиши меҳнат бозорида фаолликни кучайтиради.

Паркент тумани сўнгги йилларда туризм салоҳияти ортиб бораётган ҳудудлардан бири сифатида эътироф этилмоқда. Янги темир йўл линияси ушбу жараённи янада жадаллаштиради. Саёҳатчилар учун қулай транспорт имкониятлари яратилиши натижасида Паркент нафақат Тошкент вилояти, балки бутун республика миқёсидаги муҳим сайёҳлик масканига айланиши кутилмоқда.

Электрлаштирилган замонавий темир йўл тизими ишга туширилиши транспорт ҳаракатини тезлаштирибгина қолмай, экологик жиҳатдан ҳам самарали ечимдир. Бу эса барқарор ривожланиш тамойилларига мос ҳолда ҳудуд инфратузилмасини шакллантириш имконини беради.

Шу маънода, Байтқўрғон — Паркент темир йўл линияси қурилиши фақат транспорт лойиҳаси эмас, балки ижтимоий-иқтисодий трансформация жараёнининг муҳим бўғини сифатида намоён бўлмоқда. У ҳудудни янги ривожланиш траекториясига олиб чиқиш, аҳоли фаровонлигини ошириш ва мамлакатнинг умумий иқтисодий салоҳиятини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Навоий — Бухоро темир йўл участкасида иккинчи электрлаштирилган линия барпо этилиши мамлакат транспорт тизимидаги энг муҳим стратегик қадамлардан бири сифатида баҳоланмоқда. 92,12 километрли ушбу янги йўналиш юқори тезликда ҳаракатланувчи поездлар учун мўлжалланган бўлиб, у нафақат икки ҳудудни боғловчи инфратузилма, балки миллий логистика тизими юкланишини қайта тақсимловчи муҳим транспорт коридори вазифасини ҳам бажаради.

Бу йўналишнинг энг муҳим стратегик жиҳати транспорт оқимини ажратиш орқали тизим самарадорлигини кескин оширишдир. Авваллари Навоий — Бухоро йўналишида йўловчи ва юк поездларининг битта инфратузилмада ҳаракатланиши логистик тирбандликларни юзага келтирар эди. Бу ҳолат нафақат юк ташиш тезлигига, балки умумий иқтисодий айланмага ҳам салбий таъсир кўрсатарди. Янги иккинчи линиянинг ишга туширилиши билан бу муаммо тизимли равишда ҳал этилди: биринчи йўл юк ташиш учун сақлаб қолиниб, иккинчи йўл юқори тезликдаги йўловчи поездлар учун ихтисослаштирилди.

Демак, йўллар ўтказувчанлиги оширилиб, ҳар икки сегмент — юк ва йўловчи ташиш учун мустақил ва барқарор ишлаш имкони яратилади. Шу орқали иқтисодиётнинг реал секторида товар айланмаси тезлашади, логистика харажатлари камаяди ва бозорлар ўртасидаги боғлиқлик мустаҳкамланади.

Йўналишнинг тезлик параметрлари ҳам унинг стратегик аҳамиятини янада оширади. Айрим участкаларда поездлар 200 км/соат, қолган қисмларда эса 250 км/соат тезликда ҳаракатланиши мумкин. Бу нафақат ички транспорт стандартларини янги босқичга олиб чиқади, балки мамлакатнинг халқаро транспорт тизимидаги рақобатбардошлигини ҳам кучайтиради. Навоий ва Бухоро орасидаги йўл вақтининг 45 дақиқадан 25-27 дақиқагача қисқариши эса иқтисодий вақт ресурси сезиларли тежалишини англатади.

Бундай қисқариш фақат йўловчилар учун қулайлик эмас, балки меҳнат бозори, хизматлар соҳаси ва ишбилармонлик муҳити учун ҳам муҳим омилдир. Чунки тезкор транспорт алоқаси ҳудудлар ўртасидаги иқтисодий интеграцияни кучайтиради, ишчи кучи ҳаракатчанлигини оширади ва янги иқтисодий марказларни шакллантиришга туртки беради.

Лойиҳанинг яна бир стратегик жиҳати унинг минтақавий транспорт тармоқларига таъсиридир. Навоий — Бухоро иккинчи линияси Тошкент — Бухоро, Тошкент — Хива ва Тошкент — Қўнғирот каби йирик йўналишларда ҳаракатланадиган тезюрар поездлар учун узвий боғловчи ҳалқа вазифасини бажаради. Бу эса мамлакатнинг ички транспорт архитектурасини ягона тизим сифатида интеграция қилади.

Бугунги кунда дунё транспорт тизимида юз бераётган рақобат нафақат йўллар ва инфратузилмалар сифати билан, балки ҳаракат



тезлиги, технология даражаси ва хизмат маданияти билан ҳам белгиланмоқда. Шу маънода, Ўзбекистон темир йўл тизимига “Hyundai Rotem” каби юқори тезликда ҳаракатланувчи замонавий поездлар кириб келиши мамлакат транспорт сиёсатида янги стратегик босқич бошланганидан далолат беради.

Жанубий Кореянинг илғор муҳандислик мактабида ишлаб чиқарилган ва Жалолиддин Мангуберди номи берилган ушбу поездлар фақат транспорт воситаси эмас, балки миллий логистика тизимини янги технологик стандартларга олиб чиқувчи стратегик восита ҳамдир. Уларнинг Тошкент — Урганч — Хива йўналишига қўйилиш мамлакатнинг ички туризм харитасини, иқтисодий ҳаракатланиш тезлигини ва ҳудудлар ўртасидаги интеграцияни сезиларли даражада ўзгартиради.

Энг муҳим жиҳатлардан бири вақт омилининг иқтисодий категорияга айланишидир. Аввалари 14 соатни ташкил этган йўл вақтининг кескин қисқариши йўловчилар учун қулайлик бўлиш қаторида иқтисодий самарадорлик учун ҳам катта имконият яратади. Чунки тезкор транспорт тизими меҳнат бозори ҳаракатчанлигини оширади, бизнес алоқаларни жадаллаштиради ва ички бозорнинг бирлашувига хизмат қилади. Замонавий иқтисодиётда вақт энг қиммат ресурс эканини ҳисобга олсак, бу лойиҳа амалда иқтисодий айланиш тезлигини оширувчи муҳим омилга айланади.

“Hyundai Rotem” поездларининг техник имкониятлари ҳам ушбу йўналишнинг стратегик аҳамиятини кучайтиради. 250 километргача тезликда ҳаракатлана оладиган, 389 ўринли, 6 таркибли замонавий таркиблар Ўзбекистоннинг табиий ва иқлим шароитига мослаштирилгани билан ажралиб туради. 50 даражагача иссиқ ва 40 даражагача совуқ шароитда ҳам ишончли фаолият кўрсатиши уларнинг барқарор эксплуатациясини таъминлайди. Бу эса мамлакат транспорт тизимининг ташқи технологик таъсирларга боғлиқлигини камайтиради ва мустақил эксплуатацион барқарорликни мустаҳкамлайди.

Мазкур лойиҳа фақат йўловчи ташиш тизимини эмас, балки бутун темир йўл инфратузилмасини модернизациялашни талаб қилади. Шу сабабли Тошкент — Самарқанд — Навоий — Бухоро — Хива йўналишида ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш, инфратузилма барқарорлигини текшириш ва назорат тизимларини такомиллаштириш бўйича кенг кўламли ишлар қилинмоқда. Бу жараёнда маҳаллий ва хорижий мутахассисларнинг ҳамкорлиги билим ва технология трансферини таъминлайди, миллий мутахассислар салоҳиятини оширади.

“Hyundai Rotem” поездларининг кириб келиши Ўзбекистонни минтақавий транспорт марказига айлантириш стратегияси билан ҳам узвий боғлиқ. Чунки юқори тезликдаги темир йўллар мамлакат ичидаги шаҳарларнигина эмас, балки халқаро сайёҳлик ва иқтисодий оқимларни ҳам боғловчи муҳим ҳалқага айланади. Самарқанд, Бухоро ва Хива каби тарихий шаҳарларнинг бир тизимга боғланиши эса туризм салоҳиятини бир неча баробар оширади ва мамлакатнинг халқаро имижини мустаҳкамлайди.

Яна бир стратегик жиҳат рақамли ва интеллектуал транспорт тизимига ўтиш жараёнидир. Замонавий поездлар фақат механик ҳаракат воситаси эмас, балки интеллектуал бошқарув тизимлари билан жиҳозланган комплекс платформа ҳамдир. Бу эса келажакда темир йўл тизимини автоматлаштириш, рақамли мониторинг ва сунъий интеллект асосида бошқариш имкониятларини кенгайтиради.

“Hyundai Rotem” поездларининг Ўзбекистонга кириб келиши миллий транспорт тизимининг глобал стандартларга интеграцияси, иқтисодий маконнинг тезлашиши ва туризм ҳамда логистика салоҳиятининг янги босқичга чиқишидир. Бу лойиҳа мамлакатнинг транспорт соҳасидаги стратегик мустақиллигини мустаҳкамлаб, уни Марказий Осиёдаги энг замонавий транспорт тизимларидан бирига айлантириш йўлида муҳим қадам бўлиб хизмат қилади.

Бугунги глобал иқтисодий тизимда транспорт коридорлари давлатлар тақдирига бевосита таъсир кўрсатувчи стратегик омилга айланиб улгурган. Айниқса, Осиё ва Европа ўртасидаги товарлар ҳаракати, энергия ва хомашё оқимлари учун энг қисқа ва самарали йўналишларни шакллантириш масаласи халқаро иқтисодий рақобатнинг марказига чиққан. Ана шу контекстда “Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон” темир йўли лойиҳаси нафақат инфратузилмавий ташаббус, балки Евроосиё геоиқтисодий маконини қайта шакллантирувчи стратегик платформа сифатида баҳоланмоқда.

Лойиҳанинг энг муҳим жиҳати унинг географик эмас, балки геоиқтисодий функциясидир. Мураккаб тоғли ҳудудларни кесиб ўтувчи 464,3 километрли ушбу йўналиш Шарқий Осиё иқтисодий марказларини Марказий Осиё ва Европа бозорлари билан боғловчи энг қисқа транзит ҳалқаларидан бири бўлиб хизмат қилади. Бу эса анъанавий логистика йўлакларига нисбатан вақт ва харажатларни сезиларли даражада қисқартириш имконини беради.

Лойиҳанинг техник тузилиши стратегик қийматни янада оширади. Унинг 47 фоизини ташкил этувчи кўприклар ва тоннеллар инфратузилманинг мураккаб муҳандислик ечимлар асосида қурилаётганини кўрсатади. Бу ҳолат фақат транспорт эмас, балки замонавий технологиялар, қурилиш индустрияси ва илмий муҳандислик салоҳиятининг ҳам уйғунлашувини англатади. 41 та тоннель ва 81 та кўприкдан иборат бу тизим минтақадаги энг йирик инфратузилмавий иншоотлардан бири бўлиб, у юқори технологик қурилиш стандартларини шакллантиради.

Халқаро ҳамкорлик ҳам лойиҳанинг стратегик моҳиятини белгилайди. Хитой, Қирғизистон ва Ўзбекистон иштирокида ташкил этилган қўшма консорциум нафақат иқтисодий, балки сиёсий ва логистик интеграциянинг янги моделини яратади. Ушбу ҳамкорлик орқали минтақа давлатлари ўзаро боғлиқ транспорт тизимини шакллантириб, глобал савдо занжирларида ўз ўрнини мустаҳкамлаш имконига эга бўлади.

Ўзбекистон томонининг лойиҳадаги фаол иштироки эса мамлакатнинг транзит салоҳиятини янги босқичга олиб чиқиш стратегияси билан боғлиқ. Тажрибали муҳандис ва мутахассисларнинг тоғли ва геологик жиҳатдан мураккаб ҳудудларда ишлаши миллий кадрлар салоҳиятининг халқаро даражада намоён бўлишини таъминламоқда. Шу билан бирга, замонавий техника ва технологиялар жалб этилиши қурилиш жараёнини юқори сифат стандартларига олиб чиқмоқда.

Яна бир стратегик жиҳат стандартларнинг уйғунлашувидир. Темир йўл икки хил кенгликдаги из тизимига асосланган ҳолда қурилиши орқали турли транспорт тизимларини боғловчи интеграцион платформа яратилади. Бу эса келажакда Осиё ва Европа ўртасида ягона транзит занжирини шакллантиришда муҳим роль ўйнайди.

Иқтисодий нуқтаи назардан ушбу йўлнинг ишга туширилиши юк ташиш ҳажми кескин ошишига хизмат қилади. Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, йилига 12-15 миллион тонна юк оқими шаклланиши минтақа иқтисодиётида янги қиймат занжирларини вужудга келтиради. Энг муҳими, Шарқий Осиёдан Европа ва Яқин Шарқ бозорларига етказиб бериш вақти 7-8 суткa қисқаради. Бу глобал логистикада рақобат устунлигини таъминловчи муҳим омилдир.

“Аср қурилиши” деб номланаётган ушбу лойиҳа минтақавий барқарорлик ва интеграцияни мустаҳкамловчи геосиёсий восита вазифасини ҳам бажаради. Транспорт йўлаклари орқали давлатлар ўртасидаги иқтисодий боғлиқлик кучаяди, бу эса минтақада тинчлик ва ҳамкорлик муҳитини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

“Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон” темир йўли фақат қурилиш объекти эмас, балки Евроосиё иқтисодий маконини қайта шакллантираётган стратегик коммуникация тизимидир. Ушбу йўл орқали Ўзбекистон транзит давлат сифатида ўз ўрнини мустаҳкамлайди, глобал логистика занжирида муҳим ҳалқага айланади. Бу эса мамлакатнинг узоқ муддатли иқтисодий барқарорлиги ва геоиқтисодий таъсирини кучайтирувчи асосий омиллардан бири бўлиб хизмат қилади.

**Сардор ТОЛЛИБОЕВ,**
**“Янги Ўзбекистон” мухбири**

Менинг маҳаллам

**Сурхон воҳасида маҳаллалардаги ёшларни қўллаб-қувватлаш, муаммоларини ҳал этиш, имконият ва салоҳиятини рўёбга чиқаришига кўмаклашишга қаратилган кенг кўламли ишлар давом этмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2025 йил 14 февралдаги “Ёшлар тадбиркорлигини ривожлантириш ва бандлигини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори келажак эгаларининг ишбилармонлик кўникмаларини ривожлантириш, ғояларини амалий лойиҳаларга айлантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.**







# ЁШЛАР БАНДЛИГИ ҚУЙИ БЎҒИННИНГ ЎЗИДА ҲАЛ ЭТИЛАДИ

Вилоятдаги 3 миллиондан ортиқ аҳолининг 60 фоизини ёшлар ташкил этади. Воҳада ўтган йилнинг ўзида жами 785 ёшнинг тадбиркорлик лойиҳалари учун 93,2 миллиард сўм миқдорида кредит ажратилиб, 1036 та янги иш ўрни яратилган.

— Ёшлар ишлари агентлиги вилоят бошқармаси, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бош бошқармаси ҳамда бошқа қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда тизимли ва мақсадли ишлар қилинмоқда. Жумладан, жорий йилнинг биринчи чорагида ҳам ёшлар бандлигини таъминлаш масаласи устувор вазифалардан бири сифатида белгиланиб, бу борада манзилли ва самарали чора-тадбирлар кўрилмоқда. Ёшлар бандлигини таъминлашнинг муҳим йўналишларидан бири сифатида деҳқончиликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда, — дейди Сурхондарё вилояти Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бошқармаси бўлим бошлиғи Икром Холов.

Деҳқончилик орқали ёшлар бандлигини таъминлаш, уларда тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш ва доимий даромад манбаини яратишга хизмат қилувчи самарали тизим йўлга қўйилган. Вилоятдаги ёшларга ижара асосида ер ажратилиб, улардан самарали фойдаланишни таъминлаш мақсадида тажрибали мутахассислар бириктирилмоқда. Улар замонавий агротехнологияларни қўллаш, ҳосилдорликни ошириш ҳамда маҳсулотни бозорга чиқариш бўйича амалий кўмак ва маслаҳатлар бермоқда. Натижада ёшлар нафақат ўзини ўзи банд қилмоқда, балки қишлоқ хўжалиги соҳасида барқарор даромад манбаини шакллантириб, тадбиркорлик фаолиятини кенгайтириш имконига ҳам эга бўлаётир.

Масалан, Термиз туманида ёшлар билан манзилли ишлаш орқали уларнинг қизиқиш ва қобилиятлари ўрганилиб, мос йўналишларда бандлигини таъминлаш чоралари кўрилмоқда. Бу эса нафақат ишсизлик даражасини камайтириш, балки ёшларнинг жамиятда ўз ўрнини топиши, фаол ва ташаббускор бўлиб шаклланишига хизмат қилади.

— Бу борада маҳаллалардаги ёшлар етакчиларининг ўрни алоҳида. Улар маҳалла даражасида



ёшлар бандлиги билан тўғридан тўғри иш олиб борувчи, уларнинг муаммо ва эҳтиёжларини чуқур ўрганувчи муҳим бўғин ҳисобланади. Ҳар бир ёшнинг қизиқиши, қобилияти ва имкониятлари аниқланиб, уларни тўғри йўналтириш, бандлигини таъминлаш, тадбиркорликка жалб этиш ҳамда бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш бўйича манзилли ишланмоқда, — дейди Ёшлар ишлари агентлиги Термиз тумани бўлими бошлиғи Бобур Мирсаидов.

Термиз туманининг Нурли диёр маҳалласида аҳолининг ердан самарали фойдаланиши бўйича ўзига хос тажриба мактаби шаклланган. Шу боис, деҳқончилик орқали мўмай даромад топаётган фуқаролар сони тобора ортиб бормоқда. Маҳалла ёшлари ҳам давлат томонидан яратилган имкониятлардан унумли фойдаланиб келяпти. Жумладан, Ботир Мақсадовга “Очиқ майдонда деҳқончилик қилиш” лойиҳаси доирасида 30 сотих ер майдони ажратиб берилган. Ҳозирги кунда у мазкур ер майдонида картошка етиштириб, барқарор даромад манбаига эга бўлмоқда.

Нурли диёр маҳалласидаги Меҳринисо Шаймардонқуловага ҳам 30 сотих ер ажратиб берилган эди. Унинг 15 сотих қисмида ёш тадбиркор замонавий талабларга жавоб берадиган енгил конструкцияли иссиқхона қурди. Ҳозир иссиқхонага 6000 туп помидор кўчати экиб, турмуш ўртоғи билан агротехник талаблар асосида парваришлаяпти. Интенсив усулда маҳсулот етиштириш ҳисобига 200 миллион сўм даромад олишни кўзламоқда.

Туманнинг Ат-Термизий маҳалласида истиқомат қилиб келаётган Беҳрўз Аҳмедов “E-auksion” платформаси орқали 30 йилга 50 сотих ер олганди. Энди гулкарам ва пиёз экиб яхшигина даромад топмоқда.

Ҳозир ёшларни касб-ҳунарга ўқитиш ҳам аниқ режа асосида ташкил этиляпти. Хусусан, Термиз туманидаги ишсиз 60 нафар йигит-қиз Сурхондарё илғор касбий маҳорат техникумида пайвандлаш, тикувчилик ва қандолатчилик каби курсларда ўқитиляпти.

Берилаётган имтиёзли кредитлар ёшларнинг ишбилармонлик қобилиятини рўёбга чиқариш, тадбиркорлик фаолиятларини бошлашларида яхши самара беряпти. Айниқса, “Кўмак” лойиҳаси доирасида Ёшлар тадбиркорлигини ривожлантириш жамғармасидан берилаётган кредитлар билан қатор янги лойиҳалар амалга ошириляпти.

Анвар Чориев Термиз туманидаги тадбиркор ёшлардан бири. У ўқув маркази очди. Туман маҳаллалари ва таълим муассасаларидан 70 дан зиёд ёш шу ўқув марказида хорижий тиллардан сабоқ олмоқда.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, юртимизда ёшлар билан ишлаш борасида дунёда ўхшаши кам бўлган вертикал бошқарув тизими яратилди. Хусусан, маҳаллалардаги ёшлар етакчилари орқали ёшларни касб-ҳунарга ўқитиш, бандлигини таъминлаш, бўш вақтини мазмунли ўтказиш ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ кўплаб масалалар қуйи бўғиннинг ўзида ҳал этиляпти. Яратилган имкониятларнинг мақсад-муддаоси ҳам шу — келажак авлодга эътибор. Зеро, ёшлар мамлакатнинг келажаги, стратегик кучи ҳамдир.

**Сарвар ТЎРАЕВ,**
**“Янги Ўзбекистон” мухбири**

**Ҳар қандай фармон ёки қарор, аввало, имконият. Аммо бу имкониятнинг реал натижага айланиши, жамият ҳаётидаги сезиларли ўзгаришларга олиб келиши бевосита ёндашувимиз, масъулиятимиз ва фидойилигимизга боғлиқ.**





# ТАЪЛИМ

Шарҳ

## АУДИТОРИЯ БИЛАН ЧЕГАРАЛАНМАСЛИГИ, ИЛМИЙ ИШЛАНМАЛАР ҚИЙМАТГА АЙЛАНИШИ КЕРАК



**Абдували ХОЛИҚОВ,
Олий таълимни ривожлантириш тадқиқотлари маркази директори, кимё фанлари доктори, профессор**

### Замоннинг талаби шундай

Бугун оддий ислоҳотлар даври эмас. Аксинча, эскича қарашлару ёндашувлар тубдан қайта кўриб чиқилаётган, жамият тафаккури янгиланаётган, давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаси чуқур трансформация қилинаётган тарихий босқич. Президентимизнинг 2026 йил 10 апрелдаги “Олий таълим, фан ва инновациялар тизимини такомиллаштиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”-ги фармони олий таълим, фан ва инновациялар тизимини ривожлантиришда мутлақо янги саҳифани очиб берди.

Моҳиятига кўра, фармон мамлакатимизнинг интеллектуал салоҳиятини шакллантиришга қаратилган стратегик “йўл харитаси”. Уни синчиклаб ўрганар эканмиз, фақат алоҳида чора-тадбирлар эмас, балки яхлит тизимли ёндашув, аниқ мақсад ва чуқур ўйланган истиқбол мужассам эканини кўрамиз. Ҳужжатда ифодаланган ғоя оддий эмас, билимга, илмга ва инновацияга таянган тараққиёт фалсафасидир. Бугун дунёда рақобат кучайиб бораётган бир пайтда билим ва интеллект асосий устунлик омилига айланмоқда. Шундай шароитда мазкур фармон орқали илгари сурилаётган ёндашув мамлакатимизни айнан илм-фан ва инновациялар орқали глобал тараққиёт пойгасида муносиб ўрин эгаллашга олиб чиқадиган қатъий сиёсий иroданинг ифодаси. Яна бир жиҳати, бу ҳужжат фақат иштирокни эмас, масъулиятни ҳам талаб қилади.

### “5Т” — тараққиётнинг янги формуласи

Ҳозирги глобаллашув ва кескин рақобат шароитида оддий ёндашувлар билан натижага эришиб бўлмайди. Замонавий тараққиёт мураккаб, тизимли ва чуқур ўйланган ёндашувни талаб қилади. Шу маънода, фармонда илгари сурилган “5Т” тамойили янги даврнинг аниқ амалий формуласи сифатида намоён бўлади. Бу тамойил моҳиятига эътибор берсак, у олий таълим тизимига мутлақо янгича мазмун юклайди. Энди ўқитиш жараёни фақат аудитория билан чегараланмайди, тарбия эса фақат маънавий тушунча доирасида қолмайди. Тадқиқотлар қоғозларда эмас, реал натижаларда акс этиши, илмий ишланмалар эса иқтисодий қийматга айланиши зарур. Шу боис, бугун олий таълим муассасаларига нисбатан талаб ҳам кескин ўзгариб бормоқда. Улар энди билим берувчи маскан эмас, балки янги ғоялар туғиладиган илмий макон, инновациялар шаклланадиган марказ, иқтисодий ривожланишни ҳаракатга келтирадиган кучга айланиши шарт.

Бу ўзгаришлар тасодифий эмас, балки замон талаби. Чунки бугун дунёда фақат билимга эга бўлиш етарли эмас, уни яратиш, ривожлантириш ва амалий натижага айлантириш муҳим. Албатта, бундай юксак мақсадлар ўз-ўзидан амалга ошмайди. Бу, аввало, инсон омилига — профессор-ўқитувчи ва талабага боғлиқ. Энди педагогдан илмий етакчилик, инновацион фикрлаш ва ташаббускорлик, талабадан эса изланаётган, савол бераётган, янгилик яратаётган шахс бўлиш талаб этилади. Шу маънода, “5Т” тамойили кундалик фаолият мезони, ишнинг сифат кўрсаткичи, келажакка масъулият ифодасидир.

### Янги давр флагманлари

Замонавий глобал рақобат шароитида тараққиётнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучи илм-фан ва инновациядир. Айнан шу ҳақиқатдан келиб чиқиб, фармонда белгиланган энг етакчи ўнта миллий тадқиқот университетини шакллантириш ташаббуси стратегик аҳамиятга эга. Бу ташаббусни оддий структуравий ўзгариш сифатида қабул қилиш хато. Чунки у олий таълим тизимининг ички моҳиятини тубдан ўзгартиришга қаратилган чуқур концептуал ёндашувдир. Энди университетлар билим беришдан ташқари, илмий тафаккур маркази, инновацион ғоялар инкубатори ва иқтисодий тараққиётнинг муҳим драйверига айланиши зарур. Энг илғор миллий тадқиқот университетлари ўнталигига кирувчи ОТМлар келажакни шакллантирувчи интеллектуал майдонлар бўлиши керак. Бу муассасаларда фундаментал ва амалий тадқиқотлар уйғунлашади, илмий ишланмалар ишлаб чиқариш билан интеграциялашади. Янги технологиялар яратилиб, тижорийлаштирилади. Энг муҳими, бу университетлар мамлакатимизнинг глобал илмий майдондаги нуфузини белгиловчи асосий устунларга айланиши лозим.

Бир ҳақиқатни аниқ англаб олишимиз зарур: агар университет илмий марказга айланмаса, келажакни белгиловчи кучга ҳам айлана олмайди. Университет фақат аудитория ва диплом эмас, янги ғоя, янги тафаккур ва янги технология яратиладиган маскандир. Шу нуқтаи назардан, илмий кластерлар ташкил этилиши ҳам ниҳоятда муҳим ташаббус бўлди.

Ушбу кластерлар орқали университет, илмий марказ ва саноат ўртасида узвий алоқалар шаклланади, натижалар тезкорлик билан амалиётга жорий этилади, ёш олимлар учун янги имкониятлар очилади. Бу эса, ўз навбатида, илм-фанни қоғоздаги натижадан ҳақиқий иқтисодий кучга айлантиради.

Бугун биз тарихий имконият қаршисидамиз. Агар ушбу ташаббусларни чуқур англаб, амалий натижага айлантира олсак, миллий тадқиқот университетлари фақат мамлакатимизнинг эмас, балки минтақанинг илмий ва инновацион марказларига айланиши шубҳасиз. Акс ҳолда, энг тўғри ғоя ҳам амалиётга татбиқ этилмаса, ўз кучини йўқотади. Шу боис, бугун биздан талаб қилинадиган нарса аниқ: ташаббус, масъулият ва натижа.

### Рақобат, сифат ва адолатли баҳолаш

Замонавий тараққиётнинг энг муҳим талаби адолатли баҳолаш ва соғлом рақобат муҳитидир. Қаерда адолатли мезон устувор бўлса, айнан ўша ерда сифат шаклланади, ривожланиш жадаллашади, ташаббуслар қўллаб-қувватланади. Фармонда назарда тутилган миллий рейтинг



тизимининг жорий этилиши олий таълимни сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқадиган муҳим омил сифатида намоён бўлади. Бу тизим ҳар бир олий таълим муассасасининг ҳақиқий салоҳияти, натижаси ва жамиятга қўшаётган ҳиссасини очиқ ва шаффоф мезонлар асосида аниқлашга хизмат қилади. Энг муҳими, бу орқали тизимда йиллар давомида шаклланиб қолган сунъий кўрсаткичлар, расмиятчилик ва формал ёндашувларга барҳам берилади. Мезон аниқ: натижа ишламаса — баҳо, сифат бўлмаса — рағбат бўлмайди. Бу оддий ибора эмас, янги бошқарув фалсафаси. Шу орқали олий таълим муассасалари фаолиятида сифат устувор мезонга айланади. Энди фақат ҳисоботлар эмас, ҳақиқий натижалар баҳоланади. Сон эмас, мазмун муҳим бўлади. Жараён эмас, самара ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Бундай ёндашув табиий равишда соғлом рақобат муҳитини шакллантиради. Рақобат бор жойда сусткашликка ўрин йўқ, бефарқликка имкон йўқ. “Қандай бўлса, шундай” ишлашга эса мутлақо ўрин қолмайди. Албатта, бу тизим ҳар бир олий таълим муассасаси, ҳар бир раҳбар ва ҳар бир педагог олдига жиддий талаблар қўяди. Энди ҳар бир натижа асосланиши, ҳар бир кўрсаткич исботланиши, ҳар бир фаолият самара бериши шарт. Энг муҳими, бу тизим адолатни тиклайди. Чунки ҳақиқий меҳнат, ҳақиқий натижа ва ҳақиқий сифат баҳосини олади. Бу эса тизимда ишончни мустаҳкамлайди, мотивацияни оширади ва энг илғор тажрибаларни юзага чиқаради.

### Илм-фан — иқтисодиёт тараққиётининг муҳим омили

Тараққиёт мезонлари тубдан ўзгараётган замонда илм-фаннинг ҳақиқий қиймати назарий янгилигида эмас, балки амалий натижасида намоён бўлади. Қайси мамлакат илмни иқтисодиёт билан уйғунлаштира олса, айнан ўша мамлакат барқарор тараққиётга эришади. Шу маънода, фармонда илмий тадқиқотларни молиялаштиришнинг мутлақо янги механизмларини жорий этиш белгилаб қўйилгани бежиз эмас. Мазкур ёндашувнинг туб моҳияти шундан иборатки, илмий фаолият энди ёпиқ тизимда эмас, балки очиқ, рақобатбардош ва натижага йўналтирилган муҳитда олиб борилади. Грантлар, танловлар, халқаро экспертиза — буларнинг барчаси илмий ғояларни саралаш, қўллаб-қувватлаш ва энг истиқболли йўналишларни ривожлантиришга хизмат қилади. Энг муҳими, фармон илм-фанга нисбатан мутлақо янги талаб қўяди: илмий ғоя, албатта, амалий натижага, инновацияга ва иқтисодий самарага айланиши шарт. Бу талаб эмас, даврнинг қатъий ҳукми.

Энди мезонлар ўзгармоқда. Илмнинг иқтисодий қиймати муҳим, назария эмас, унинг амалий татбиқи ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Бу эса илм-фанни ҳисобот учун бажариладиган фаолиятдан ҳақиқий ривожланиш драйверига айлантиради. Шу билан бирга, ушбу ёндашув ёш олимлар учун ҳам янги уфқларни очади. Энди ташаббускорлик, инновацион фикрлаш ва амалий натижага йўналтирилган илмий изланишлар устувор аҳамият касб этади. Илм-фан билан шуғулланиш нафақат илмий даража олиш, балки реал муаммоларни ҳал қилиш, жамиятга хизмат қилиш демакдир. Агар илм-фанни иқтисодиёт билан уйғунлаштира олсак, у мамлакатимизнинг энг катта бойлигига айланади. Илм-фан энди танлов эмас, зарурат. У иқтисодиётга хизмат қилиши, натижа бериши, келажакни яратиши шарт. Ана шундагина илм-фан ҳақиқий кучга айланади.

### Глобал майдонга чиқиш — зарурат

Бугунги дунё ёпиқ тизимларни қабул қилмайди. Илм-фан ҳам, таълим ҳам энди миллий чегаралар билан чекланиб қоладиган соҳа эмас. Глобал билимлар оқими, халқаро илмий ҳамкорлик ва академик мобиллик — булар замонавий тараққиётнинг ажралмас шартига айланган. Шу маънода, фармонда олий таълим тизимини халқаро майдонга олиб чиқиш устувор вазифа сифатида белгилаб қўйилгани чуқур стратегик қарордир. Мазкур ёндашувнинг моҳияти оддий: агар биз глобал илмий ва таълим маконида фаол иштирок этмасак, тараққиёт суръатидан ортда қоламиз. Чунки билим ёпиқ муҳитда эмас, очиқ, ҳамкорликка асосланган тизимда ривожланади. “Study in Uzbekistan” платформасининг кенгайтирилиши, хорижий талабалар оқимини ошириш, нуфузли хорижий олий таълим муассасалари билан ҳамкорликни чуқурлаштириш — буларнинг барчаси мамлакатимизни минтақавий ва халқаро таълим марказига айлантиришга қаратилган аниқ ва изчил қадамлардир. Бу орқали нафақат таълим сифати ошади, балки илмий мактаблар бойийди. Янги ғоялар кириб келади, тажриба алмашинуви кучаяди. Энг муҳими, халқаро интеграция ўрганиш билан бирга ўргатиш, қабул қилиш билан бирга таклиф этиш, ҳамкорлик орқали ўз салоҳиятини намоён этади. Демак, биз нафақат билим олувчи, балки билим берувчи, тажриба улашувчи давлатга айланишимиз зарур. Бу йўл осон эмас. У биздан янги билим, янги ёндашув, янги тафаккур талаб қилади. Лекин айнан шу йўл бизни глобал илмий ҳамжамиятнинг муносиб аъзосига айлантиради. Шу боис, глобал майдонга чиқиш тарихий зарурат. Тараққиёт шарти. Келажак талаби.

### Рақамли трансформация: ортга йўл йўқ

Рақамли инқилоб тобора жадаллашаётган бир пайтда барчамиздан тезкорлик, аниқлик ва мутлақо янги ёндашув талаб этилмоқда. Энди тараққиёт мезони рақамлаштириш даражаси билан белгиланади. Қайси тизимда рақамли трансформация чуқур ва самарали амалга оширилса, айнан ўша тизимда устунлик бўлади. Шу боис, рақамли технологиялар ва сунъий интеллект асосида бошқарув тизимини янгилаш бугуннинг муқаррар талаби сифатида кун тартибига қатъий қўйилмоқда. Бу жараённи оддий техник янгиланиш деб баҳолаш етарли эмас. Ушбу бошқарув фалсафаси ўзгариш, қарор қабул қилиш маданияти янгиланиши, демакдир. Рақамли трансформация орқали шаффофлик таъминланади. Бюрократия қисқаради. Инсон омилидан келиб чиқадиган хатолар камаяди. Натижада бошқарув сифати мутлақо янги даражага чиқади.

Рақамлаштириш тезлик ва аниқликни билдиради. Бугун вақт энг катта ресурсга айланган. Ким тез ишласа, ўша ютади. Ким аниқ қарор қабул қилса, ўша олдинга чиқади. Рақамли технологиялар айнан мана шу устунликни таъминлайди. Шу билан бирга, сунъий интеллектнинг жорий этилиши тизимнинг янада ақлли, мослашувчан ва прогнозлаш қобилиятига эга бўлишини таъминлайди. Энди қарорлар фақат тажрибага эмас, балки катта маълумотлар таҳлилига, аниқ ҳисоб-китобларга асосланади. Бугун биз яна бир муҳим ҳақиқатни англашимиз керак: рақамли трансформация ҳаётий зарурат. Уни кечиктириш — ортда қолиш дегани. Шу боис, мазкур жараёнда иккиланишга ўрин йўқ.

### Масъулият — энг катта синов

Ҳар қандай фармон ёки қарор, аввало, имконият. Аммо бу имкониятнинг реал натижага айланиши, жамият ҳаётидаги сезиларли ўзгаришларга олиб келиши бевосита ёндашувимиз, масъулиятимиз ва фидойилигимизга боғлиқ. Ҳақиқат шундан иборатки, энг мукаммал ҳужжат ҳам амалга оширадиган инсонсиз натижа бермайди. Энг тўғри ғоя ҳам амалиётга татбиқ этилмаса, ўз кучини йўқотади. Шунинг учун бугун биздан талаб қилинаётган нарса ички ўзгариш, тафаккур янгиланиши, масъулиятни чуқур ҳис қилишдир.

Мазкур фармон давлатнинг илм-фан ва таълимга юксак ишончининг яна бир ифодаси. Олдимизда турган савол оддий, лекин муҳим: биз бунга муносиб бўла оламизми? Жавобни бугунги ҳаракатларимиз беради. Чунки келажак узоқдаги мавҳум тушунча эмас. У айнан бугун қабул қилинаётган қарорлар, бажариладиган ишлар ва қўйилаётган қадамлардан бошланади.



Юксалиш палласи



# БЕШ МИЛЛИОН СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТ ЕТАКЧИЛАРИ

## КЕЛАЖАК КАСБЛАРИ ЛИДЕРЛАРИНИ КАШФ ЭТАЁТГАН ДАСТУР

**Сунъий интеллект ҳаётимизга тобора яқинлашиб келар экан, ундан фойдаланиш оддий ҳолга айланиб бораверади. Шу маънода, юртимизда бу борадаги ишларга катта эътибор қаратилаётгани бежиз эмас. Яқинда Президентимиз сунъий интеллект ва рақамлаштириш йўналишидаги ислоҳотлар ҳамда келгусидаги устувор вазифалар юзасидан тақдимот билан танишиш чоғида ҳам бунга алоҳида тўхталди.**

“Бир миллион ўзбек дастурчилари” лойиҳасининг мантиқий давоми ўлароқ “Беш миллион сунъий интеллект етакчилари” дастури йўлга қўйилиши ёшларнинг ушбу йўналишдаги имкониятини янада кенгайтирди. Чунончи, 2023-2025 йиллар давомида “Бир миллион ўзбек дастурчилари” лойиҳасида 1 миллиондан ортиқ ёш Coursera платформасида таҳсил олиб, халқаро сертификатларга эга бўлди. 15 мингдан ортиғи профессионал даражадаги сертификатларни қўлга киритди, 30 минг ёш эса халқаро меҳнат бозорида рақобатбардош мутахассисга айланди. Бундай натижалар Ўзбекистоннинг глобал миқёсдаги нуфузини сезиларли даражада оширди. Global Skills ҳисоботига кўра, мамлакатимиз таълимга энг кўп инвестиция киритаётган давлат сифатида 1-ўринни эгаллаб, Coursera платформасида фойдаланувчилар сони бўйича Марказий Осиёда етакчига айланди.

Юртимизда соҳа жадал ривожланаётганини АТ хизматларимиз экспорти 1 миллиард АҚШ долларига етгани, дастурчиларимиз сони 10 баробардан, GitHubдаги дастурчиларимиз 300 мингдан ошганида ҳам яққол билинади.

Ёшларимизни сунъий интеллект борасида етакчига айлантириш учун алоҳида эътибор ва катта маблағ йўналтирилди. 2030 йилгача ахборот технологиялари хизматлари экспортини 5 миллиард долларга етказиш, миллионлаб ёшлар учун юқори даромадли иш ўринларини яратишни мақсад қилганмиз. Президентимиз 2025 йил 28 ноябрь куни пойтахтимизда ўтказилган сунъий интеллект бўйича халқаро форумда ҳам, Олий Мажлис ва халқимизга Мурожаатномасида ҳам қатор ташаббусларни илгари сурган эди. Шундай ноёб лойиҳалардан бири “Беш миллион сунъий интеллект етакчилари”дир. Дастур доирасида 2030 йилгача 4 миллион 750 минг ўқувчи ва талаба, 150 минг ўқитувчи, 100 минг нафар давлат хизматчисини ўқитиш кўзда тутилган. Аҳоли ва ёшларнинг сунъий интеллект бўйича билим ва кўникмаларини мунтазам ошириш учун aileaders.uz платформаси ишга туширилди. Дастур доирасида миллий танлов ўтказиш, унда қатор йўналишлар бўйича ўқитувчилар, ўқувчилар ҳамда таълим ташкилотларини рағбатлантириш белгиланган эди. Шунга кўра ўтказилган илк танлов келгусида иқтисодиётимиз драйверига айланиши, жадал тараққиётимизга хизмат қилиши кутилаётган лойиҳанинг дастлабки натижаларини кўрсатди. “Беш миллион сунъий интеллект етакчилари” лойиҳаси доирасида ташкил этилган миллий танлов ғолиблари муносиб рағбатлантирилди.





УШБУ МАҚОЛАНИ
ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА
ҲАМ ЎҚИШ УЧУН
QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!

### Информатика ўқитувчилари ўзаро рақобатга киришди

650 мингга яқин иштирокчини қамраб олган миллий танловда “Энг фаол информатика фани ўқитувчиси” йўналишида 107 ғолиб аниқланди. Уларнинг 97 нафарига 1000 доллар миқдорида бир марталик пул мукофоти, 10 нафарига эса хорижга сафар йўлланмаси топширилди. Бу, албатта, информатика фани ўқитувчиларининг дўстона рақобат муҳитида ишлаши, ўз касбига меҳри янада ошишига хизмат қилади.

1992 йилдан буён Наманган вилояти Янгиқўрғон туманидаги 7-умумтаълим мактабида информатикадан дарс бериб келаётган Акбарали Юсупов ҳам хорижга саёҳат йўлланмасини олди. Қувонарлиси, катта ёшли устоз ёшлар қатори замонавий билимларни эгаллаб, ўқувчиларга улаша оляпти.

— Биринчи қалдирғочларим — 15 ўқувчим сабаб катта ютуққа эришиб турибман, — дейди у. — Шу пайтгача бундай имконият бўлмаган, қийинчилик билан дарс ўтиб келдик. Мактабда компьютер йўқ, лекин мавзуни тушунтиришимиз керак бўлганида компьютерни тасаввур қилиб, дарс ўтган вақтларимиз бўлди. 2020 йилда мактабимизга замонавий компьютерлар берилди. Танловга ўқувчиларни шулар ёрдамида тайёрладим. Ўқувчиларимга ноутбук, ўзимга эса хорижга саёҳат йўлланмаси насиб қилди. Пойтахтга отланганимизда мактабдаги ҳамкасбларим ҳам ҳавас қилиб қолди. Бутун республикамиздаги информатика ўқитувчиларини ҳаракатга келтирди бу танлов. Ҳозир ўқувчиларим сони ортиб, икки гуруҳда машғулот ўтказяпман. Насиб қилса, кейинги гал ютуқларимиз ҳам шунга яраша бўлади.

### Оддий мактабга қачон автомашина берилган?

Танловнинг бош соврини, Президент совғаси — электромобиль Хоразм вилояти Боғот туманидаги ихтисослаштирилган мактаб ҳамда Навоий вилояти Зарафшон шаҳридаги 13-умумтаълим мактабига насиб этди.

“Бизга сунъий интеллект бўйича миллий танловда иштирок этишимиз, ўқувчиларимиз сунъий интеллект етакчиси бўлиши учун ҳудудий ҳокимликлар, бошқармалар томонидан керакли шароитлар яратиб берилди, — деди 13-умумтаълим мактаби директори Зилола Ҳотамова. — Ўн йил аввал биттагина компьютер хонамиз бор эди. Бугун эса мактабимиз ҳамма қулайликларга эга. Тўртта компьютер синфимиз замонавий жиҳозланган, интернет тармоғига уланган.

Вилоятимиз бўйича танловга 50 мингга яқин ўқувчи рўйхатдан ўтганди. Шундан 1800 нафарга яқини бизнинг ўқувчиларимиз. Алоҳида таъкидлашни истардимки, бу борадаги ютуқларимизда қизларнинг улуши кўпроқ бўляпти. Чунки бугун қизларимиз ҳам астойдил қизиқяпти соҳага. Ҳатто ўзимда ҳам қизиқиш ортиб, Coursera тизимида ўқидим, икки марта сертификат олдим. Тақдирлаш тадбири биз учун жуда ҳаяжонли кечди. Автомобиль оламиз деб ўйламагандик. Ўзингиз ўйланг, ахир оддий мактабга қачон автомобиль берилган? Бу ҳурмат ва эътиборга жавобан бундан кейин ҳам келажак бунёдкорларининг сунъий интеллект бўйича билимларини оширишга жамоамиз билан сидқидилдан хизмат қиламиз. 12 нафар информатика ўқитувчимизга бу бўйича ишларни тақсимлаб берганмиз. Саккиз нафари айнан сунъий интеллект билан ишлайди. Насиб қилса, ўқувчиларимиз орасидан кўплаб келажак касблари эгалари етишиб чиқади”.

### Сифатли кадрлар тайёрлаш тизими такомиллашади

Янги лойиҳа ортидан олий таълим муассасалари ўртасида ҳам рақобат кучайди. Бу сифатли кадрлар тайёрлаш тизимини янада яхшилашга хизмат қилади.

“Энг фаол олий таълим муассасаси” номинацияси доирасида Бухоро давлат университети 3-ўрин (25 миллион сўм), Бухоро давлат техника университети 2-ўрин (50 миллион сўм), Тошкент ахборот технологиялари университети 1-ўрин (100 миллион сўм)ни қўлга киритди.

— Ёшларимиз сунъий интеллект яратувчилари бўлиши керак деган ғоя асосида татбиқ этилган “Беш миллион сунъий интеллект етакчилари” биз учун дастуруламал бўлди, — деди Тошкент ахборот технологиялари университети ректори Бахтиёр Маҳкамов. — Шунингдек, у саноат, тармоқ, олийгоҳ занжирини уйғунлаштирадиган тизимга айланди. Чунки меҳнат бозорига қанақа кадрлар керак, келажак касблари қандай бўлади, уларга қай тарзда ўқитиш лозим каби саволларимизга айнан шу дастур орқали ечим топилди. Қисқа вақт ичида университетимиз томонидан 60 дан ортиқ стартап лойиҳа яратилди. Шулардан 7 миллиард сўм қийматидаги стартап лойиҳалар венчур фондларга тақдим этилди. Улар бизни ҳам моддий, ҳам техник базамизни яхшилашга, ўз устимизда янада кўпроқ ишлашга ундаяпти.

Ўзбекистон рақамли трансформация йўлида қатъий қадам ташлаётир. Инновация, замонавий ахборот технологиялари билан ҳамнафас бўлишга интилаётган мамлакатимиз дунёвий миқёсда эътироф этиляпти. Бу борада “Бир миллион ўзбек дастурчилари”, “Беш миллион сунъий интеллект етакчилари” каби кўп томонлама манфаатли дастурлар қайсидир маънода ўзини оқлаётган экан, улар сонини янада кенгайтиришимиз, қўллаб-қувватлашимиз керак.

**Муножат МЎМИНОВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири**

**Ҳа, воҳа аҳли бугун ана шундай бунёдкорлик ишқи, меҳнатсеварлик завқи билан яшамоқда, янгиланишларга улуш қўшмоқда. Халқнинг маданий даражаси аёлларига эътиборида кўринади.**

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН
www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz.uz_news

Обод юрт манзаралари

**Маърифатли жамиятни маърифатли оналарсиз қуриш қийин. Оналари саводхон, билимдон авлоднинг болалари зукко ва илму тафаккурли бўлади. Қонимизда бухорийлар, хоразмийлар, берунийлар қони бор. Кечагина шахматдаги ғалабаси билан дунё эътиборини Ўзбекистонга қаратган Жавоҳирнинг онасига бутун мамлакатимиз оналарининг ҳаваси келаётгани рост.**



# Адолатли ва шиддатли ислоҳотлар

## ҲАР БИР АЁЛНИНГ ЮРАГИ ОРҚАЛИ ЎТАДИ



**Сайёра ТЎЙЧИЕВА,**
**Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти профессори, фалсафа фанлари доктори**

Қадимий маданият ҳамда цивилизация бешикларидан бири Қашқадарё заминидаги тоғ ва дарёлар, обод шаҳар ва қишлоқлар, кундан кун чирой очаётган файзли масканларни кўриб, кўзингиз яйрайди.

Абу Туроб Нахшабий, Нажмиддин Насафий, Сайидо Насафий, Абу Муҳаммад Кеший каби мутафаккирлар номини воҳа одамлари фахр билан эслашади.

Эл дардига дармон бўлмоқ буюк ва савобли вазифадир деган ғояни ҳаётий дастури қилиб олган Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 690 йиллиги муносабати билан ўтаётган тадбирларда дунёга шундай шижоатли инсонни берган заминга ҳавасингиз келади.

Юртимизнинг қай гўшасига борманг, Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Ориповнинг “Мен нечун севаман Ўзбекистонни?” сатрлари тилимизга келаверади.

### Маърифатли аёллар гурунги

Оила ва хотин-қизлар қўмитаси тавсиясига кўра, янги Ўзбекистон ислоҳотларининг олдинги сафларида бораётган опа-сингилларимиз билан дийдорлашмоқ учун Қашқадарё сари йўл олдик.

Қарши шаҳридаги маданият саройида ўтказилган маданий-маърифий тадбирда сўзга чиққан вилоят “Бувижонлар мактаби” етакчиси Коммуна Исмоилова бундай дейди:

“Янги Ўзбекистонда инсонни қадрлаш оналарни, аёлларни улуғлашдан бошланади. Аёлнинг оиласи тинч бўлса, кўнгли хотиржам, уйи обод бўлади. Кўп йиллик тажрибага эга опажонларимиз билан маҳаллама маҳалла, уйма-уй юриб, воҳамизда кўп учрайдиган одатлар — қариндош-уруғлар ўртасидаги никоҳлар, мактаб ёшидан қизларни қариндошларига атаб “бешиккетти” қилиб қўйиш, эрта туғуруқлар борасида тушунтириш бериб боряпмиз. Барака топсин, келинлар ҳам, қайноналар ҳам тўғри тушуняпти.

Таълим-тарбия уйғунлиги — болаларимиз келажаги кафолати. Нимани эксанг, шуни ўрасан дегани болангга берган таълим-тарбиянг қариганингда кўзгу бўлиб, сенга аксингни кўрсатади, деганидир”.

Ўзбекистон Қаҳрамони Муҳаббат Шаропованинг дил изҳорлари ҳақиқий мураббийнинг, доно муаллимнинг ҳикматларига ўхшайди.

“Умрим бўйи халқнинг боласини ўқитдим, таълим бердим. Муаллимлик нони билан болаларимни боқдим.

Таълим сифатини ошириш янги Ўзбекистон тараққиётининг яккаю ягона тўғри йўлидир деб таъкидлайди давлатимиз раҳбари.

Устоз мақомини ошириш, шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш давлат сиёсатининг устувор вазифаси эканидан фахрланиб кетаман. Дунё иморатлари ичида энг улуғи мактаб, касблар ичида энг шарафлиси ўқитувчиликдир. Боламиз қандай китоб ўқияпти, қандай кино кўряпти, нимага қизиқиши бор — мана шу масалалар фақат муаллимнинг эмас, ота-онанинг ҳам бошини қотириши лозим.

Учинчи Ренессансга йўл мактаб остонасидан бошланади. Мактабда олинган билим тошга ўйилган нақшдек болалар қалбига муҳрланиб қолади. Ҳар бир фарзанд кўнглида Ватан деган муқаддас сўзни, фахрни яратиш, улғайтириш Қашқадарё оналарининг олтин қоидаси бўлиши керак!

Бугун қашқадарёлик оқила, фозила аёллар қаторида юртнинг тинчлигига шукрона айтаман, ислоҳотларнинг нурли самаралари учун дуодаман”.

— Зўравонликка қарши маърифат жамият равнақи гаровидир, — дейди қашқадарёлик сенатор Комила Каромова. — Хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларга нисбатан тазйиқ ва зўравонлик ҳолатларининг олдини олишга қаратилган муҳим тарғибот тадбирларида ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари билан ҳамкорликни йўлга қўйганмиз. Жиноят пишиб, етилиб, натижага айлангунича қанча тафсилотлар бўлиб ўтади. Маҳаллаларда тушунтириш ишларидаги биринчи вазифамиз ота-оналардан фарзандлар назоратини талаб қилиш бўлади. Ота ўғлининг нима иш қилаётганини, дўстлари кимлигини билмаса, она қизининг дугонаси билан қандай вақт ўтказаётганини, мактаб, техникум, олийгоҳдаги юриш-туришини текширмаса, нима бўлади?

Қонунчиликдаги жавобгарлик болаларимизнинг эсини киритар, лекин ота-она боласининг ижтимоий тармоқлардаги ақлдан оздирар даражадаги ёвузликлар, қилмишларини кўриб катта бўлаётганини билиши керак-ку. Фарзанд тарбиясидаги бефарқлик бутун бир авлодни элу юрт олдида сазойи қилади.

— Санъатга, адабиётга қизиқиши қиз болани миллатпарвар, маърифатпарвар қилиб тарбиялайди, — дейди Ўзбекистон халқ артисти Замира Суюнова. — Илгари Қашқадарёнинг қишлоқларидан қўшиқчи ёки шоир чиқса, маҳаллаларда ғалати қаралари. Энди эса бутун қишлоқ бўлиб қўшиқчи қизнинг қўшиқларини бирга куйлашади.

Санъат — кўнгилнинг бебаҳо мулки, инсон ҳаётининг зийнати. Фақат санъат ва спортгина мамлакатни жаҳон саҳнасида кенг тарғиб қила олади. Бир санъаткор сифатида Ўзбекистонда кейинги йилларда санъат ва маданиятни ривожлантириш масалаларини кўз олдимга келтирар эканман, ўзбек миллий мақоми, бахшичилик, миллий рақс, миллий мусиқа санъати, миллий ҳунармандчиликка эътибордан кўнглим тоғдек ўсади. Тинч юртга қўшиқ, байраму тўй ярашади, тинчликка не етсин.

> **Мамлакатимиз мустақиллигининг 35 йиллиги муносабати билан вилоятда опа-сингилларимиз фаоллигини ошириш, уларни бандлик ва тадбиркорликка кенг жалб этиш, шунингдек, китобхонлик маданиятини ривожлантириш мақсадида вилоят ҳокими соврини учун қатор танловлар ташкил этилди.**



Чироқчи туманидаги 1-умумтаълим мактабига бир қучоқ китоб билан кириб борган Алишер Навоий номидаги миллий кутубхона директори Умида Тешабоева ҳамда вилоят оила ва хотин-қизлар бошқармаси бошлиғи Зиёда Аминова ўқувчиларга қиз боланинг билими ва саводхонлигида, оилалар фаровонлигида китобнинг ўрни ҳақида гапирди.

Эл ардоқлаган зиёли опаларимизнинг сўзларини тинглар эканман, жадид бобомиз Абдурауф Фитратнинг “Оналар бутун башариятнинг тарбиячиларидир” деган пурҳикмат сўзлари ёдимга тушди.

### Кўкдала ифтихорлари

Кўкдала туманидаги фидойи онахонлар, саришта келинлар ва билимли қизлар билан суҳбатларимиздан сўнг туманнинг таниқли тадбиркор аёллари ҳовлисида бўлдик. Улар қўл ураётган янгиликлар, эл дастурхонига тортиқ қилаётган маҳсулотлар билан қизиқдик.

Кўкдала маҳалласида яшовчи Гулзор ая Шайманова хонадонида учта иссиқхона бор. Онахон турмуш ўртоғи ва беш фарзанди билан қирқ турдан ортиқ гул кўчати, помидор, қовоқ, тарвуз, бодринг, қовун етиштиради. У қишлоқ аёлларидан ўн нафарини иш билан таъминлаган. Ҳар йили хотин-қизлар куни, Рамазон ва Қурбон ҳайитлари арафасида элликтадан эҳтиёжманд оилага гул, помидор кўчатлари ва ҳадялар тарқатади.

— Ерга яхши қарасанг, сени боқади, — дейди Гулзор ая. — Қанча барвақт деҳқончиликни бошласам, шунча кўп баракали ҳосил оламан. Болаларим, набираларим қабатимда. Меҳнатнинг ҳалол нони элнинг дуоси билан тотли.

Ферузахон Хуррамова турмуш ўртоғи Холмуроджон билан беш фарзандни катта қилмоқда. Кўкдала пиллакорларининг етакчиси Ферузахон ҳар йили пилла ва пахта етиштириш борасида бошқаларга намуна бўляпти. Наймансарой маҳалласи аҳли фермерлик нонини еб, ҳамиша элу юртнинг хизматига камарбаста бу оилани ҳурмат билан тилга олади. Хонадондаги сариштанлик, томорқадаги саранжомликни кўриб, воҳанинг энг чеккасидаги Кўкдала туманида ҳалол меҳнати, тарбияли фарзандлари ортидан элдошлари тилига тушаётган оилаларга ҳавасимиз келди.

Қаерда шукроналик, ҳалоллик бор экан, у ерда файзу барака бўлади деб бекорга айтмаган халқимиз.

### Шаҳрисабз — ҳунармандлар юрти

Қашқадарё вилояти азалдан уста ҳунармандлар, дўппидўзу каштачилар, сўзана тикиб, матога қайта умр бахш этувчи чеварлар юрти. Шаҳрисабз “Ҳунарманд” уюшмаси раҳбари, “Мўътабар аёл” кўкрак нишони соҳиби Гулнора Чориева араби гилам, ироқи дўппи, ироқи услубидаги ёстиқ жилди, қуроқ кўрпачалар сингари тикув, тўқув ишларига бош бўлиб, ўзи яшайдиган Уйчилик маҳалласида 50 аёлни иш билан банд қилган. Гулноранинг тавсиясига кўра, опа-сингилларимиз чеварлик ишларини уйда бажариб, маош олади. Шу йўл билан уй-рўзғор ишлари, ёш бола тарбиясига ҳам имкон топади. Унинг сўзларини тинглар экансиз, уйда қизлари, келинлари, қўшнилари, овсинларига ҳунар ўргатиб, оила бюджетига ҳисса қўшаётган ва меҳнатининг самарасидан хурсанд аёлларнинг қўли дард кўрмасин дегингиз келади.

Яна бир уста ҳунарманд Маҳлиё Маннопова бир вақтнинг ўзида 750 аёлни банд қилган. Истаги бор хотин-қизларга дастлаб тикув сирлари ўргатилади. Кейинги босқичда ярим тайёр маҳсулотларни уйма-уй юриб тарқатади. Кўп маҳсулот тайёрлаган ҳунар эгасининг даромади ҳам шунга яраша бўлади. Икки йил олдин уйда ярим тайёр маҳсулот келишини кутиб турган аёллар орасида бугун уста ҳунарманд бўлган, етакчи тадбиркорга айланганлар бор.

Шаҳрисабз шаҳри Ғалаба маҳалласида истиқомат қилувчи Лола Музаффаровани маҳалладошлари “жасорат тимсоли”, деб таърифлайди. Ҳаёт қийинчиликлари олдида бир букилди, лекин қаддини тиклади, куч ва матонатни “Ўзбекистонда ҳар бир инсон эътиборда” деган ғоядан топди. Тўшакда ётганида “мени биров эсламаса керак”, дер эди.

Давлатимиз раҳбарининг эътибори унинг оиласига қадар етиб бориб, ўтган йили дастлаб “Аёллар дафтари”га киритилди ва бепул даволанди, қаддини тиклади. Эътибор ва ғамхўрликка муносиб жавоб бериш учун режа қила бошлади. Маҳалла хотин-қизлар фаоли ҳамда ҳоким ёрдамчисининг кўмаги билан субсидия асосида тикув машинаси олди. Бугун унинг хонадони кичик цехга айланган. Аёл бир дақиқа ҳам тиним билмайди. Тикувчилик қилади, матога зеб беради, сумкаларни безаб, келинлар сарпоси учун совғалар тайёрлайди. Ижтимоий тармоқдаги саҳифаси орқали буюртма олади, сотувни йўлга қўйган. Атрофида шогирдлари, фарзандлари парвона.

— Менинг ҳаётим катта сабоқ мактаби. Тўшакда ётган аёл бугун тадбиркорга айландим. Бу каби имконият ва имтиёзни яратиб берган Президентимиздан миннатдорман, — дейди Лолахон.

Миришкор тумани Чаманзор маҳалласида яшовчи Ойимхол Аталикова 2023 йилда “Аёллар дафтари”га — тадбиркорлик қилиш истагида бўлган эҳтиёжманд хотин-қизлар тоифасига киритилган эди. Унга имтиёз асосда 50 миллион сўм кредит ажратилди. 10 та тикув машинаси, зарур ускуналарни харид қилган чевар аёл ва шогирдлари тайёрлаган маҳсулотлар бугун харидоргир. Улар болалар ва аёллар кийим-кечакларини тайёрламоқда, гиламчиликни йўлга қўйган. Муҳими, бир пайтлар ўзи ишсиз бўлган Ойимхол бугун 150 хотин-қизнинг бандлигини таъминлаяпти.

* * *

Мамлакатимиз мустақиллигининг 35 йиллиги муносабати билан вилоятда опа-сингилларимиз фаоллигини ошириш, уларни бандлик ва тадбиркорликка кенг жалб этиш, шунингдек, китобхонлик маданиятини ривожлантириш мақсадида вилоят ҳокими соврини учун қатор танловлар ташкил этилди. Уй бекалари ўртасида китобхонликни тарғиб қилиш ва уларнинг маънавий-маърифий савиясини ошириш мақсадида “Китобхон уй бекаси”, хонадон томорқаларидан самарали фойдаланиш, юқори даромадли маҳсулот етиштириш ва аҳоли бандлигини таъминлаш мақсадида “Энг яхши томорқачи оила”, хотин-қизларни тадбиркорликка жалб этиш, уларнинг даромад манбаларини кенгайтириш ҳамда ҳунармандчиликни ривожлантириш мақсадида “Ҳудудда хотин-қизлар бандлигини таъминлашда фаол бўлган тадбиркор аёл” тадбирлари шулар жумласидан.



* * *

Ҳа, воҳа аҳли бугун ана шундай бунёдкорлик ишқи, меҳнатсеварлик завқи билан яшамоқда, янгиланишларга улуш қўшмоқда. Халқнинг маданий даражаси аёлларига эътиборида кўринади. Адолатли ва шиддатли ислоҳотлар эса ҳар бир аёлнинг юраги орқали ўтади. Воҳада ким билан гаплашманг, гурунг қилманг, бир сўз юрагингизга нурдек оқиб киради. Шукроналикда гап кўп, шукроналик неъмати, тинчликнинг шукронаси уйимизга барака, умримизга умр, ризқимизга ризқ қўшади. Шукроналикка нима етсин.



ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-KODНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДМ

МУАССИС:
**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси**

Бош муҳаррир:
**Салим ДОНИЁРОВ**

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.

Босмахона телефони: (71) 233-11-07.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
**Нашр индекси** — 236. **Буюртма** Г-546.
30570 нусхада босилди.
**Ҳажми** — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2.
Баҳоси келишилган нархда.

“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Лутфулла Сувонов
Мусаҳҳиҳ: Малоҳат Мингбоева
Дизайнер: Зафар Рўзиев

Манзилимиз:
100060, Тошкент шаҳри,
Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй

ЎзА якуни — 21:25 Топширилди — 00:25

Қабулхона: (71) 233-56-33 Девонхона ва эълонлар: (71) 233-70-98 E-mail: info@yuz.uz Веб-сайт: www.yuz.uz: (71) 233-47-05